Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat`iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz, loqayd kishilardan yaxshidir

O`zLiDeP — TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

# XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA | 2014-yil 27-noyabr, payshanba, **47 (575)-son** | e-mail: **xxi_asr@mail.ru**, web sayt: **www.21asr.uz**

# Оқсаройда қабул

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 ноябрь куни Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати раисининг ўринбосари Дмитрий Козакни қабул қилди**

Давлатимиз раҳбари мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг бугунги ҳолатидан мамнунлигини билдирди, Ўзбекистон Россия билан савдо ва инвестициявий ҳамкорликни фаол ривожлантириш ва диверсификация қилиш тарафдори эканини таъкидлади.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг ўн олтинчи мажлиси натижаларини юқори баҳолади.

Ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни янада кенгайтириш икки томонлама муносабатларнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Россия Ўзбекистоннинг бу соҳаларда муҳим шеригидир. 2013 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 7 миллиард АҚШ долларидан ошган. Жорий йилнинг 9 ойида ўзаро савдо ҳажми 4,55 миллиард долларни ташкил этган.

Мулоқот чоғида бу кўрсаткичлар мамлакатларимизнинг мавжуд салоҳияти даражасида эмаслиги қайд этилди.

Ўзаро муносабатларни ривожлантиришда транспорт ва транзит ташиш соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорлик 2004 йил 16 июнда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома ҳамда 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома асосида изчил ривожланмоқда.

**(ЎзА)**

# Ҳукуматлараро комиссия мажлиси

**Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 26 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди**

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, банк-молия, божхона, нефть-газ, автомобилсозлик, транспорт ва транспорт коммуникациялари, қишлоқ ва сув хўжалиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фан-таълим, авиаташув каби соҳаларда фаолият кўрсатаётган вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия ҳамраиси Р.Азимов мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда, жумладан, иқтисодий йўналишда ҳам изчил ривожланиб бораётганини, икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар бунда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2013 йилнинг апрель ойида Россия Федерациясига расмий ташрифи ҳамда жорий йилнинг сентябрь ойида Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммити доирасида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан учрашуви мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтирди, ўзаро муносабатларни янги мазмун билан бойитди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида имзоланган қарийб 200 давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар ўзаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини ташкил этади. Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома, Стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдаги асосий ҳужжатлар бўлиб, уларда савдо, иқтисодиёт, сиёсат ва маданият каби соҳаларда икки томонлама алоқаларни тараққий эттиришнинг устувор йўналишлари қамраб олинган.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги иқтисодий муносабатлар деярли барча йўналишларда, жумладан, авиасозлик, машинасозлик, транспорт ва телекоммуникациялар, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, озиқ-овқат, ёғочни қайта ишлаш саноати, қишлоқ хўжалиги, ёнилғи-энергетика ва электр техникаси каби соҳаларда изчил ривожланмоқда.

2




Солиҳ ЗОИР олган сурат

# Сайлов участкалари зиммасида катта масъулият бор

**Мамлакатимиз сайлов қонунчилигига мувофиқ сайлов жараёни бир-бирини тўлдириб ва ривожлантириб борувчи қатор босқичлардан иборат. Мазкур босқичлар сайловни ташкил этиш ва ўтказиш учун белгиланган муайян даврлардир**

Хусусан, сайлов участкаларини тузиш тартиби «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида» ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунларнинг тегишли моддаларида аниқ баён этилган. Жумладан, сайлов участкалари туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманларнинг чегараларини инобатга олган ҳолда сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида, сайловга камида олтмиш кун қолганида, алоҳида ҳолларда эса истисно тариқасида сайловга камида беш кун қолганида ташкил этилади.

Миробод туманидаги 20-Толариқ округ сайлов комиссияси 10 та сайлов участкасининг фаолиятини мувофиқлаштирмоқда. Биз «Матонат» МФЙ биносида жойлашган 196-сайлов участкаси фаолияти билан бевосита танишдик. Аввало, участка ҳудудининг ҳар жиҳатдан ободонлаштирилгани, ажратилган хоналарнинг тўла таъмирдан чиқарилгани кўзга ташланади. Шунингдек, сайлов участкаси ташқи ва кириш қисмларига, комиссия жойлашган хонага тегишли лавҳа ва кўрсаткичлар ўрнатилганлиги сайловчилар учун айни муддаодир. Комиссия барча зарур техника воситалари, чунончи, телевизор, компьютер, замонавий нусха кўчириш аппаратлари ва телефонларга эга. Шу билан бирга бу ерда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, сайлов тўғрисидаги қонунлар тўпламлари, бошқа ҳуқуқий адабиётлар ҳам мавжуд. Давлатимиз рамзлари хоналарга ўзгача руҳ, улуғворлик бахш этган. Ахборот стендларида сайловга доир қонунлардан кўчирмалар, овоз бериш тартибига тааллуқли маълумотлар жой олган.

2




**«МУЛКДОР МУЛКИГА ЎЗ ХОҲИШИЧА ЭГАЛИК ҚИЛАДИ, УНДАН ФОЙДАЛАНАДИ ВА УНИ ТАСАРРУФ ЭТАДИ. МУЛКДАН ФОЙДАЛАНИШ ЭКОЛОГИК МУҲИТГА ЗАРАР ЕТКАЗМАСЛИГИ, ФУҚАРОЛАР, ЮРИДИК ШАХСЛАР ВА ДАВЛАТНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲАМДА ҚОНУН БИЛАН ҚЎРИҚЛАНАДИГАН МАНФААТЛАРИНИ БУЗМАСЛИГИ ШАРТ».**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 54-модда.

# Ёшлар сайловга тайёр

**Фарғона политехника институтида O`zLiDeP вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими томонидан «Ёшлар – сайлов арафасида» мавзуида анжуман ўтказилди.**

Унда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда партиянинг парламентдаги фракцияси аъзолари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлинмаси ходимлари, экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда асосий эътибор ёшларни мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнига кенг жалб қилиш, уларга ишлаб чиқилаётган ва қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини етказиш, қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилишида ёшларнинг ролини кучайтириш, депутатлик гуруҳларининг йиғилишларига ёшлар билан боғлиқ масалаларни олиб чиқиш, партия тизимида ёш етакчилар сафини кенгайтириш, уларни ўқитиш, раҳбар лавозимларига тайёрлаш ҳамда истиқболли кадрлар захирасини шакллантиришга қаратилди.

2

# Экспортчи тадбиркорлар сафи кенгаймоқда

**Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташқи бозорга чиқиш истагидаги корхоналарнинг яқин кўмакчисига айланмоқда**

Жамғарманинг Тошкент вилояти филиали томонидан олиб борилаётган амалий чора-тадбирлар натижасида ҳудудда экспортчи корхоналар сафи тобора кенгаймоқда. Бунда филиал томонидан кичик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари доимий равищда таҳлил қилиниб, уларни ташқи бозорга чиқариш имкониятлари ишга солинаётгани, мазкур йўналишда тегишли маълумотлар базаси шакллантирилганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, ўтган давр мобайнида 90 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектига 100 млн. АҚШ долларидан зиёд экспорт шартномалари тузишда амалий кўмак берилди. Мамлакатимиз тадбиркорлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар хорижий мамлакатлар бозорларига йўналтирилмоқда. Мисол учун, Бекободдаги консерва маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Great-Victory» МЧЖ томонидан йил якунига қадар Россия Федерациясига 1,8 млн. долларлик маҳсулот экспорт қилинади.

Таъкидлаш жоизки, жамғарма филиали томонидан Савдо-саноат палатаси, «Ўзстандарт» агентлиги билан ҳамкорликда жойларда турли тадбирлар ўтказилмоқда. Унда маҳсулотларни экспортга йўналтириш учун яратиб берилган имтиёз ва преференциялар хусусида кичик бизнес вакилларига кенг маълумотлар берилаётир.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётини белгиловчи мезонлардан бири бўлган экспорт кўрсаткичини янада яхшилашда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг Тошкент вилояти филиали ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Зеро, экспорт нафақат мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштирувчи, балки уни дунёга танитувчи, халқаро алоқаларни ривожлантирувчи воситалардан биридир.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ · O`ZBEKISTON

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ САЙЛОВИГА**

# 23 КУН ҚОЛДИ

**▼ АНИҚ САВОЛГА**

**— Вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси ўз таркиби, жойлашган манзили ва телефон рақамларини жамоатчиликка маълум қиладими?**

— «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддаси талабига биноан комиссия бундай маълумотларни расмий маҳаллий матбуот органларида эълон қилади.

**— Сиёсий партия, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг раҳбари депутатликка номзодларни рўйхатга олишни илтимос қилиб, қайси органга мурожаат қилади?**

— Улар мазкур масала бўйича тегишли вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этадилар. Бу норма «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг $22^2$-моддасида белгиланган.

**▲ АНИҚ ЖАВОБ**

## БУГУНГИ СОНДА:

**ИСЛОҲОТ**
O`zLiDeP — аниқ ишлар партияси 2



Кучли ўрта синф — мустаҳкам, рақобатдош иқтисодиёт — мамлакат равнақи демак 3-4



**МУНОСАБАТ**
Оилавий тадбиркорлик 9



**ҚУЙИ БЎҒИНЛАРДА**
Фаоллик салоҳиятни рўёбга чиқармоқда 12



**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йил 18 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2084,63 | 1 АҚШ доллари | 2401,09 | 1 Хитой юани | 391,36 | 1 Туркия лираси | 1081,08 | 10 Япония иенаси | 203,83 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3759,63 | 1 Миср фунти | 335,82 | 1 Малайзия ринггити | 718,24 | 1 Швейцария франки | 2475,09 | 1 Россия рубли | 52,43 |
| 1 Дания кронаси | 400,13 | 1 Исландия кронаси | 19,39 | 1 Польша злотийси | 709,27 | 1 ЕВРО | 2993,72 | 1 Украина гривнаси | 159,05 |
| 1 БАА дирҳами | 653,71 | 1 Канада доллари | 2138,67 | 1 СДР | 3510,46 | 10 Жанубий Корея вони | 21,57 | | |

# O`zLiDeP НОМЗОДЛАРИ УЧУН ОВОЗ БЕРИНГ!

## O`zLiDeP — аниқ ишлар партияси

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Содиқжон ТУРДИЕВ «Халқ сўзи» газетаси мухбири саволларига жавоб берди**

**— Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сайловига ҳам саноқли кунлар қолди. Ишбилармон юртдошларимиз ҳамда фермерлар манфаатини ҳимоя қилаётган O`zLiDePнинг Сайловолди платформасида қандай асосий мақсад ва вазифалар белгилаб олинган? Аввало, шу хусусида маълумот берсангиз.**

— Ҳақиқатан ҳам, шу кунларда бутун халқимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги жуда муҳим воқеа — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сайловига қизғин тайёргарлик кўраяпти. Бу сайловлар янгича тарихий шароитда ўтмоқда. Бугун тараққиётнинг «ўзбек модели» асосида юртимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигини ошириш борасида эришган юксак марраларимизни бутун дунё эътироф этмоқда. Президентимиз томонидан илгари сурилган, Ўзбекистоннинг истиқболдаги ривожланиш йўлини белгилаб берган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» кенг кўламли изчил ислоҳотларнинг давомийлигини таъминлаб, тараққиётни янги босқичга кўтармоқда. Энг муҳими, ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида юртдошларимиз, айниқса, ёшларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши тубдан ўзгариб, уларнинг ён-атрофдаги ислоҳотлар, воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси кучайиб бораяпти. O`zLiDeP айни шундай кенг кўламли ўзгаришлар жараёнида ўзининг амалий ишлари билан Ўзбекистон шуҳратини дунёга тобора кенг ёяётган, шаҳар ва қишлоқларимизда минг-минглаб иш ўринларини яратишда қатнашаётган тадбиркор ҳамда фермерлар — мулкдорлар синфи манфаатларини ифода этиб, сайловларда фаол иштирок этаётир.

Ҳаммамизга маълумки, истиқлол йилларида айнан мулк эгалари моддий ва маънавий бойликлар яратадиган, фуқаролик жамиятининг таянчи ва суянчи, ислоҳот ғояларини илгари сурувчи, иқтисодий жиҳатдан мустақил одамлар эканига гувоҳ бўлдик. Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш ва рақобатдошлигини ошириш борасидаги вазифалар замирида ҳам айнан ўрта синф учун янада кенг имкониятларни очишда иштирок этиш партиянинг асосий ғоясида мужассамдир. Шунинг учун ҳам Сайловолди платформамизга соҳага оид қонунларни янада такомиллаштириш, мулк устуворлиги ва ҳимоясини кучайтиришга ҳисса қўшиш сингари долзарб вазифаларни киритдик. Чунки хилма-хил шакллардаги мулк — иқтисодиёт ривожини таъминлаб берувчи куч ва асосий ресурс ҳамда ҳар қандай иқтисодий эркинликнинг кафолати ҳисобланади. Яъни сиёсий, ижтимоий, маданий эркинликни иқтисодий эркинликсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Маълумки, ҳар бир давлатнинг қудрати ва дунёдаги мавқеига холисона баҳо беришда аввалambор унинг иқтисодий қувватига ва салоҳиятига, инсонлар учун яратиб берилган имконият ҳамда турмуш даражасига катта эътибор қаратилади. Ана шуларни назарда тутиб, Сайловолди платформамизда республикамизда макроиқтисодий барқарорликни ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини, давлат бюджети мувозанатлигини таъминлаш, хўжалик субъектлари ва аҳоли учун солиқ юкини янада камайтириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш, молия бозори барқарорлигига эришиш, мўътадил қатъий пул-кредит сиёсатини амалга ошириш билан бирга, мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатни тўла қўллаб-қувватлашимиз акс этди. Иқтисодиётнинг жадал ривожланишини таъминлаш, унинг рақобатдошлигини ошириш учун сармоялар муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам юртимизда янада қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш орқали иқтисодиётга хусусий инвестициялар ҳажмининг жадал ўсишини таъминлаш ҳам Сайловолди платформамиздан кенг ўрин олган. Иқтисодиёт тармоқларининг экспортга йўналтирилишини кучайтириш, қулай молиявий-иқтисодий ва божхона шароитларини қўллаб-қувватлаш ҳамда яратиш, янги транспорт йўлакларини шакллантириш орқали кенгайтириш масаласига ҳам платформамизда алоҳида эътибор қаратилган.

**— Мулк ҳимоясини янада кучайтириш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни давом эттириш, хусусий сармоялар ҳажмини ошириш вазифалари — бу асосан хусусий секторни янада қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ, албатта. Айтинг-чи, партия бу соҳани ривожлантириш учун қандай аниқ таклифларни илгари сураяпти?**

**МАВЖУД ИМКОНИЯТДАН ФОЙДАЛАНИБ, САЙЛОВЧИЛАРИМИЗНИ БЎЛАЖАК САЙЛОВЛАРДА БАРЧА ПАРТИЯДОШЛАРИМИЗ, ЖАМИЯТНИ ЯНГИЛАШ ВА ЭРКИНЛАШТИРИШ ҒОЯСИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЁТГАН МИЛЛИОНЛАБ ХАЙРИХОҲЛАРИМИЗ НОМИДАН O`ZLIDEP НОМЗОДЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ЧАҚИРАМАН.**

— Аввало, шуни алоҳида қайд этиш керакки, бугун халқаро жамоатчилик ҳалигача кўпгина давлатлар иқтисодиётига ўз таъсирини ўтказаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини юмшатиш ва бартараф этишнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида Ўзбекистон тажрибасини эътироф этмоқда. Мамлакатимизда ўрта синфни қўллаб-қувватлашга, хусусий секторни ривожлантиришга доир қонунлар, Президентимизнинг кўплаб фармон ва қарорлари, махсус давлат дастурлари асосида янги иш ўринларини ташкил этишга устуворлик берилмоқда, ҳар йили ўртача бир миллион атрофида яратилаётган иш ўринларининг асосий қисми айнан хусусий секторга, иқтисодиёт тармоқларида ишлаётган аҳолининг 75 фоиздан зиёди эса кичик бизнес улушига тўғри келади. Бундан ташқари, мана, бир неча йилдирки, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсиши ҳар йили 8 фоиздан ортаётганида ҳам айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳиссаси салмоқлидир. Ушбу рақамлардан кўриниб турибдики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда тобора катта роль ўйнамоқда. Шунинг учун ҳам ушбу секторни жадал ривожлантириш, шахсий ташаббусларни амалга ошириш учун энг қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш партиямизнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Бунда биз давлат ва назорат идораларининг тадбиркорлик субъектлари молиявий-хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашуви билан боғлиқ ҳолатларни бартараф этишга ҳам алоҳида эътибор қаратамиз.

Маълумки, Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин эгаллаши мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)да кичик бизнес улушини изчил ошириш борасидаги стратегик вазифа билан боғлиқ. Айни пайтда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида хусусий секторнинг улуши 55 фоиздан ошди. O`zLiDeP ўз Сайловолди платформасида ушбу кўрсаткични изчил юксалтириб бориш бўйича ўзининг аниқ таклифларини илгари сурмоқда. Шу билан бирга, саноат ва унинг етакчи тармоқларида хусусий мулкнинг етакчилигига эришиш асосий вазифаларимиздан саналади. Хусусан, саноат соҳасида юксак технологиялар билан жиҳозланган, фан-техника ютуқлари асосида рақобатбардош, юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар улушини оширишни назарда тутадиган сиёсатни давом эттириш тарафдоримиз. Шунингдек, йирик саноат корхоналари билан кичик бизнес субъектлари ўртасида кооперацияни изчил ривожлантириш, кичик бизнес ва фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкасини мақбуллаштириш сиёсати давом эттирилиши лозим, деб биламиз.

Банклардан кредит олиш тизимини янада соддалаштириш лозим. Шу ўринда тадбиркорлик субъектларининг хом ашё ва моддий ресурслардан фойдаланиши учун янада қулай шароитлар яратиш ҳам муҳим вазифаларимиздан эканини таъкидлаш жоиз.

Сайловолди платформамизда мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аграр соҳани изчил ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш борасидаги вазифаларни ҳам аниқ белгилаб олдик. Хусусан, партия экин майдонлари таркибини юқори даромад келтирадиган озиқ-овқат экинлари ҳисобига кенгайтириш, қишлоқда реал мулкдорлар синфини шакллантириш, қишлоқ хўжалигини янада диверсификация қилишда фаол иштирок этишни кўзламоқда.

Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш, аҳолининг харид қобилияти юқори бўлган йирик ва ўртача шаҳарлар атрофида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириладиган майдонларни кўпайтириш керак. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва ташиш соҳасида хизмат кўрсатадиган қишлоқ хўжалиги корхоналари, инфратузилма ташкилотлари ва фермерлар ўртасида кооперацияни рағбатлантириш масалалари ҳам устувор вазифаларимиз сирасига киради.

Маълумки, қишлоқ хўжалигининг бозор талабларидан келиб чиқиб ихтисослашувини чуқурлаштириш, қишлоқда саноатни янада ривожлантириш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни янада такомиллаштириш қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини кескин оширишга хизмат қилади. Шулардан келиб чиқиб, O`zLiDeP аграр соҳага оид қонунларни янада мукаммаллаштиришга алоҳида эътибор қаратади.

**— Қонунлар ижросини таъминлашда депутатлик назорати институти ниҳоятда муҳим ўрин тутади. Бу борада партия қандай ишларни амалга оширмоқчи?**

— Чиндан ҳам, Сайловолди платформамизда кўрсатилганидек, парламентаризмни янада ривожлантириш, мамлакатни модернизация қилишнинг энг муҳим масалаларини ҳал этишда ҳокимият вакиллик органлари ролини кучайтириш, энг муҳими, парламентни демократик ва либерал ислоҳотларнинг етакчи кучига айлантириш масаласи партиямиз учун энг устувор масаладир. Ҳаётимизда ўзининг яққол ифодасини топаётган бугунги ислоҳотларни янада жадаллаштириш масаласи қонунчилик фаолияти билан боғлиқ. Бунда биз асосий эътиборни ўрта мулкдорлар синфи, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун янада қулай шароитлар яратиб берадиган қонунлар яратишга қаратамиз. Уларнинг ижросини таъминлашда эса жамоатчилик ва депутатлик назорати алоҳида роль ўйнайди. Ҳукумат ва жойлардаги ижро ҳокимиятларининг масъулиятини янада ошириш, Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларда уларнинг ҳисоботини мунтазам эшитиб боришни таъминлаш, бунда партиямиздан сайланган депутатларнинг фаоллигини ошириш муҳим вазифамиздир.

Шунинг учун ҳам партия Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига фидойи, ташаббускор, жамият олдидаги фуқаролик масъулиятини тўла ҳис этаётган юртдошларимиз номзодини кўрсатди. Биз шуни ишонч билан айта оламизки, партия томонидан илгари сурилган номзодлар халқимиз фаровонлигини, Ватанимиз тараққиётини янада юксалтириш, миллий иқтисодиётимизни мустаҳкамлашга бор саъй-ҳаракати ва имкониятларини сафарбар этадилар.

**— O`zLiDeP ишбилармонлар ва тадбиркорлар ҳаракати сифатида иқтисодий ислоҳотларга асосий эътиборини қаратади. Айтинг-чи, партия бошқа соҳаларда қандай вазифаларни амалга оширмоқчи?**

— Дарҳақиқат, партиямиз ўзининг асосий электорати бўлмиш ишбилармонлар, тадбиркорлик субъектлари ҳамда фермерлар қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг иқтисодий эркинлигини кенгайтириш учун курашиш билан бирга, давлат ва жамиятимиз ривожининг бошқа соҳалари бўйича ҳам аниқ платформавий таклифлари ва қарашларига эга.

Жумладан, фуқаролик институтларининг турли қарорлар қабул қилиш жараёнида фаол иштирок этишини, ижро ҳокимиятининг фуқаролар олдида ҳисоб бериб боришини кучайтириш ва умуман, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» принципини амалга ошириш масалалари ҳам биз учун энг устувор вазифалардандир. Фуқаролик жамияти институтларининг муҳим бўғини бўлган оммавий ахборот воситаларига, унинг иқтисодий асосларини янада такомиллаштириш, соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратамиз.

Биз суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаб, тадбиркорлар, фермер ва мулкдорлар ҳуқуқ ва манфаатларини судлар орқали ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, жазоларни либераллаштириш, ҳуқуқий низоларни ҳал қилишнинг суддан ташқари шаклларини кенг жорий қилиш тарафдоримиз. Хусусан, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг энг муҳим шарти бўлган судлар мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш, жамият учун хавфи катта бўлмаган ва жиддий оқибатларга олиб келмайдиган айрим иқтисодий жиноятлар бўйича жавобгарликни либераллаштириш масалалари партиянинг диққат-эътиборида турибди.

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизларнинг ролини ошириш, айниқса, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган интилишларини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш партиянинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Шунингдек, хусусий капитални жалб этган ҳолда, соғлиқни сақлаш соҳасига замонавий тиббиётнинг энг сўнгги ютуқларини татбиқ этиш, барча қулайликларга эга бўлган ижтимоий иншоотларни, айниқса, қишлоқ жойларда барпо этиш, мактабгача таълим ва олий таълим тизимида рақобат муҳитини шакллантириш масалалари ҳам устувор вазифаларимиздандир.

Ташқи сиёсат соҳасида давлатимизнинг тинчлик ва барқарорликни сақлаш бўйича умумэътироф этилган халқаро меъёр ва қоидаларга содиқлик, турли ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмаслик принципларига асосланган қатъий сиёсатини тўла қўллаб-қувватлаймиз. Зеро, давлатимизнинг тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, давлатларнинг суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, чегаралари дахлсизлигини ҳурмат қилиш ва уларнинг ички ишларига аралашмаслик, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид солмаслик сиёсати халқаро миқёсда муносиб баҳоланаётганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Бизнинг давлатимиз тарихан қисқа бир даврда асрларга татигулик ютуқларга эришди. Бугун дунё миқёсида Ўзбекистон деган ном баралла янграмоқда. Олдимизда турган сайловлар эса эртанги кунимизни янада фаровон этишга хизмат қилиши билан бирга, фарзандларимизнинг тақдири ва келажагини белгилашга ҳам бевосита боғлиқдир.

Шунинг учун ҳам мавжуд имкониятдан фойдаланиб, сайловчиларимизни бўлажак сайловларда барча партиядошларимиз, жамиятни янгилаш ва эркинлаштириш ғоясини қўллаб-қувватлаётган миллионлаб хайрихоҳларимиз номидан O`zLiDeP номзодларини қўллаб-қувватлашга чақираман.

**Қобил ХИДИРОВ суҳбатлашди.**

(«Халқ сўзи» газетасидан олинди)

## Сайлов участкалари зиммасида катта масъулият бор

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

**Беҳзод ИСРОИЛОВ,**
«XXI asr»

Айни пайтда пухта жиҳозланган тиббиёт пункти, оналар ва болалар хонаси участкада сайловчилар учун чиндан ҳам мукаммал қулайликлар яратилганидан далолатдир.

Шу ўринда округ сайлов комиссияси томонидан мазкур участка сайлов комиссияси 12 аъзодан иборат таркибда тузилганини қайд этиш зарур. Миллий сайлов қонунчилигимизга кўра, комиссия аъзолари жамоатчиликнинг обрўли вакиллари орасидан тайинланди. Мисол учун, комиссия котиби Нилуфар Машрапова маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиси лавозимида ишлаш асносида кўплаб хайрли ташаббуслар амалга оширилишига бош-қош бўлаётир. Умуман, комиссиянинг барча аъзолари ҳалол меҳнати, эл-юрт фаровонлиги йўлидаги ишлари билан халқ назарига тушган, омма эътиборини қозонган инсонлардир.

— Бўлажак сайлов жамиятимизни янада демократлаштириш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлади, — дейди комиссия раиси Орифжон Тўхтаматов. — Тайёргарлик ишларини календарь режасига қатъий риоя этган ҳолда иш олиб бораяпмиз. Участка ҳудудида 905 фуқаро яшайди, улардан 540 нафари сайлов ҳуқуқига эга. 15 нафар йигит-қиз эса сайловда биринчи марта овоз беради. Ана шулар ҳам инобатга олинган ҳолда комиссия аъзолари кўп қаватли уй ва кўчаларга бириктирилди ва улар зиммаларидаги вазифаларни бекаму кўст адо этаяптилар. Аъзолардан бири асосий иш жойидан озод этилиб, участкада доимий равишда ишлаяпти.

Комиссия котибининг маълум қилишича, шу кунгача «Жамиятни янгилаш ва демократлаштириш шароитида сайлов қонунчилигининг такомиллашуви» каби мавзуларда жонли мулоқотлар ўтказилди. Сайловда илк бора қатнашаётган янги авлод вакиллари билан иш олиб боришга ҳам алоҳида диққат қаратилаётир.

Биз округ ҳудудидаги 191 ва 195-сайлов участкалари фаолияти билан танишганимизда ҳам сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришлари учун барча шарт-шароит вужудга келтирилганига ишонч ҳосил қилдик. Зеро, сайловни юқори демократик савияда ўтказиш борасида участка сайлов комиссиялари зиммасига катта масъулият юклатилгандир.

## Ёшлар сайловга тайёр

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼



— Жорий йилда бўлиб ўтадиган сайловда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган партиявий лойиҳалар доирасида бугун барча ҳудудларда тадбирлар ўтказилмоқда, — дейди O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ёшлар билан ишлаш бўлими етакчи консультанти Тоир Салимов. — Шу ўринда қайд этиш керакки, партиямизнинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида ҳам ёшларнинг ўз қобилият ва истеъдодини намоён этиши учун зарур шароитлар яратиш, бу борада фуқаролик институтлари фаолиятини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Анжуманда сўзга чиққанлар O`zLiDeP Сайловолди дастурида мамлакатимиз тараққиёти йўлида партия томонидан олиб бориладиган мақсадли ишларнинг белгилаб қўйилганлиги, айниқса, бу борада ёшларга бўлган эътиборни алоҳида таъкидлашди. Жумладан, «Ишбилармон талаба», «Парламентда менинг ўрним», «Агар мен депутат бўлсам...», «Диплом билан — бизнесга», «Ёшлар ва миллий қонунчилик» ҳамда «Ёш олимлар ва катта илмий ходим-изланувчилар» каби махсус лойиҳаларда 100 минг нафарга яқин фарғоналик ёш иштирок этиб, уларнинг сиёсий-ижтимоий, ҳуқуқий-иқтисодий билим ва кўникмалари оширилди.

— Вилоят миқёсида «Ишбилармон талаба» лойиҳасида 2010-2014 йилларда 10 минг нафардан зиёд талабгор иштирок этди, — дейди O`zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Юсуфжон Юсупов. — Улардан 15 нафари O`zLiDePнинг махсус йиллик стипендияларига сазовор бўлди. Турли йиллардаги мингдан ортиқ лойиҳа иштирокчилари бугунги кунда ўз бизнесини йўлга қўйиб, тадбиркорлик ва фермерлик билан шуғулланишмоқда.

Таъкидлаш жоизки, вилоят миқёсида сайловда илк маротаба иштирок этаётган ёшлар бугун 350 минг нафарга яқинни ташкил этади. Тадбир сўнгида уларнинг саволларига мутасаддилар томонидан батафсил жавоб қайтарилди.

**Шуҳрат РАҲИМОВ.**

## Ёнғин хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда

Саноат корхоналари ичида алоҳида ўринга эга Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи давлатимиз иқтисодиётига ўзининг салмоқли улушини қўшиб келмоқда.

Ушбу корхонада углеводород ва нефть хом ашёсини олиб келиш, уни қайта ишлаш, ҳосил бўлган тайёр маҳсулотни сақлаш ва керакли манзилларга жўнатиш жараёнларида ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилиши кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкин. Ана шундан келиб чиққан ҳолда заводда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш устувор масала ҳисобланади.

Ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди инспекторлари томонидан завод ишчи-ходимларига ёнғин хавфсизлиги қоидалари, талаблари ва бирламчи ўт ўчириш воситаларини ишлатиш усуллари ўргатиб келинмоқда.

Цехимиз ҳудудида 9 та ёнғин ўчириш қалқони бирламчи ўт ўчиргич анжомлари билан таъминланган.

Бундан ташқари содир бўлган ёнғинларни зудлик билан бартараф этиш мақсадида цех участкаларида 60 дона ўт ўчиргич мавжуд. Ишчи-хизматчилар ўртасида ёнғинга қарши тушунтириш ишлари доимий равишда олиб борилмоқда. «Олов бу — душман!», «Ёнғин хавфсизлиги ойлигини намунали ўтказайлик», «Ишлаб чиқаришда ёнғин хавфсизлигини таъминлайлик», «Оловдан эҳтиёт бўлинг!» каби мавзуларда ишчи-хизматчилар билан суҳбатлар ва завод радиоузели орқали шу мавзуларда чиқишлар ташкил этилаяпти.

Ўтказилаётган тадбирларни амалга оширишда К.Гаппаров, И.Фузайлов, У.Шаропов, Ш.Бафоев, Г.Койирова, Г.Жамолова, М.Саъдуллаева, А.Усербаев, Н.Сафарова каби ишчи-ходимлар фаол иштирок этмоқдалар.

Ёнғинларнинг олдини олишга қаратилган бундай саъй-ҳаракатлар яхши натижа бераяпти. Айни пайтда ёнғин хавфсизлиги ойлигини самарали ўтказиш ва якунлаш масъулияти ҳар бир ходимни фаолликка ундамоқда.

**Олим АСРОРОВ,**
**Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи цех бошлиғи ўринбосари.**

## Ҳукуматлараро комиссия мажлиси

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий соҳада имзоланган инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилишга оид битим, 2013-2017 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастури ва бошқа қатор ҳужжатлар бу борадаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилаётир. Мунтазам равишда бизнес-форумлар, кўргазмалар, ҳукуматлараро комиссия мажлислари ташкил этилмоқда.

Россия Ўзбекистон билан ташқи савдо муносабатларида етакчи ўринда туради. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик юксак самаралар бермоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ҳам жадал суръатлар билан ўсмоқда. 2014 йилнинг январь-сентябрь ойларида ушбу кўрсаткич қарийб 4,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Айни пайтда инвестиция ҳамкорлиги кўлами ҳам мунтазам кенгаймоқда. Россиялик кўплаб ишбилармонлар Ўзбекистон бозорига катта қизиқиш билдирмоқда, мамлакатимизга инвестиция киритиб, қўшма корхоналар ташкил этаётир. Бугунги кунда Ўзбекистонда Россия сармояси иштирокида тузилган 878 корхона фаолият кўрсатмоқда, Россиянинг 85 фирма ва компанияси мамлакатимизда ўз ваколатхонасини очган. Россияда Ўзбекистон капитали иштирокидаги 512 корхона фаолият юритмоқда.

Ҳукуматлараро комиссия мажлисида ҳамон давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқирозга қарамай, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорлик туфайли Ўзбекистон юксак иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришаётгани, жумладан, сўнгги йилларда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8 фоиздан кам бўлмасдан келаётгани, бу омиллар хорижий сармоядорларнинг мамлакатимиз билан ҳамкорликка қизиқишини тобора ошираётгани алоҳида таъкидланди.

Анжуманда Ўзбекистон ва Россиянинг иқтисодий салоҳияти ва имкониятлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик изчил тараққий этмоқда, — деди Россия Федерацияси Ҳукумати раисининг ўринбосари, комиссия ҳамраиси Д.Козак. — Ўзаро савдо айланмаси ҳажми йил сайин ошиб бормоқда. Мамлакатларимиз ишбилармонларининг ҳамкорлиги изчил ривожланмоқда. Икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга эканини диққатга сазовор. Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасида ёнилғи-энергетика, қурилиш ва кабель маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги ҳамкорлик тобора фаоллашмоқда, бу тармоқларда икки томон учун ҳам манфаатли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Мажлисда мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига алоҳида эътибор қаратилди. Савдо, сармоя, банк-молия, нефть-газ, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт ва транспорт коммуникациялари каби соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш, қўшма корхоналарни, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини кўпайтириш, биргаликда ўзаро фойдали лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

**Ирода УМАРОВА, ЎзА мухбири.**

O`zLiDeP НОМЗОДЛАРИ УЧУН ОВОЗ БЕРИНГ!

# ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ (ПЛАТФОРМАСИ)

## Кучли ўрта синф — мустаҳкам, рақобатдош иқтисодиёт — мамлакат равнақи демак

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ўтган йиллар давомида мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг фаол қатнашчисига айланган ҳолда навбатдаги сайловда иштирок этмоқда.

2009 йилдаги сайловдан кейин O`zLiDeP мулк эгалари бўлган ўрта синф вакиллари — тадбиркорлар ва ишбилармонлар, фермерлар, кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш борасида сезиларли сиёсий тажриба тўплади.

Партия бундан буён ҳам айнан ана шу ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифода этади. Чунки бу қатлам — мамлакатимизнинг моддий ва маънавий бойликларини яратиш ва кўпайтиришда улкан роль ўйнайдиган, фуқаролик жамиятининг таянчи ва суянчи, ислоҳот ғояларини тарғиб этиш ва амалга оширишда асосий куч бўлган, ижтимоий жиҳатдан энг фаол, иқтисодий мустақил одамлар тоифасини ташкил этади. Улар – амалий ташкилотчилик тажрибасига эга бўлган, ҳар томонлама чуқур ўйлаб қарор қабул қиладиган, ўз ишининг оқибати учун жавоб берадиган инсонлардир. Бу одамлар, авваламбор, ўз меҳнати, иродаси ва куч-ғайрати билан фаровонликка эришадиган, ўз келажагини мана шу замин билан боғлаган, ўз тақдири, фарзандлари тақдирини ўз Ватани тақдиридан айри ҳолда тасаввур этолмайдиган, ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал этиш, жамиятда барқарорлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун масъулиятни ҳис этадиган кишилардир.

Партия 2014 йилдаги сайловолди кампаниясига киришар экан, мустақил, замонавий, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, либерал иқтисодиёт ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлар ва фуқаролараро ҳамжиҳатликни, халқ фаровонлигини, Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар қаторидан жой эгаллаб, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишини таъминлаш борасидаги мақсадларга содиқ эканини баён қилади.

Партия ушбу мақсадларга эришиш учун ўз ғояларига чин дилдан ишонадиган номзодларни ҳокимиятнинг вакиллик органларига илгари суради, уларнинг давлат бошқарувида, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар соҳалардаги ислоҳотларни амалга оширишда самарали иштирок этишини таъминлашни кўзлайди. Биз ўзимизнинг саъй-ҳаракатларимизни Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўладиган сайловларда ғалаба қозонишга қаратамиз.

Тўпланган тажриба, мамлакатимизда юз бераётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг чуқур таҳлили бизга ўз дастурий устувор вазифаларимизни, тегишли сайловолди сиёсий позициямизни ишлаб чиқиш имконини берди.

### I. Партиянинг бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш ва унинг рақобатдошлигини ошириш соҳасидаги устувор вазифалари

Партия мамлакатимиз иқтисодиёти рақобатдошлигини янада ошириш борасида қуйидагиларни энг муҳим деб ҳисоблайди:

**Биринчи.** Макроиқтисодий барқарорликни ва барқарор юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш мақсадида бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш.

Партия қуйидаги мақсадларга қаратилган макроиқтисодий сиёсатни давом эттириш учун ҳаракат қилади:

— барқарор юқори иқтисодий ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий барқарорликни қуйидаги воситалар билан таъминлашга: Давлат бюджети мутаносиблигини таъминлаш; иқтисодиёт ва хўжалик юритувчи субъектлар учун солиқ юкини янада камайтириш, самарасиз солиқ имтиёзларини бекор қилиш, солиқ маъмурий бошқарувини яхшилаш, молия бозори барқарорлигини таъминлашга қаратилган мўътадил қатъий пул-кредит сиёсатини амалга ошириш;

— маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисмини мустаҳкамлаш, бутун солиқ тизимини соддалаштириш ва унинг аниқ-равшан, тушунарли бўлишини таъминлаш;

— саноат соҳасида иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни давом эттириш, уни диверсификация қилиш, юқори қўшимча қийматга эга бўлган, фан-техника ютуқларига асосланган рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган, юксак технологиялар билан қуролланган корхоналар улушини оширишни назарда тутадиган сиёсатни олиб бориш;

— янада қулай инвестицион муҳитни шакллантириш орқали иқтисодиётга киритиладиган хусусий инвестициялар ҳажмининг жадал ўсишини таъминлаш;

— иқтисодиёт тармоқларининг экспортга йўналтирилишини кучайтириш, экспортни рағбатлантириш, унинг номенклатураси ва географик майдонини қулай молиявий-иқтисодий ва божхона шароитларини қўллаб-қувватлаш ва яратиш, янги транспорт йўлакларини шакллантириш орқали кенгайтириш.

Партия иқтисодиётининг рақобатдошлигини оширишга, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги маъмурий тартиб-таомилларнинг очиқлигини таъминлашга, яширин иқтисодиётга, пул маблағларининг банкдан ташқари айланишига барҳам беришга қаратилган солиқ-бюджет сиёсатини амалга ошириш учун ҳаракат қилади.

**Иккинчи.** Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, шахсий ташаббусларни амалга ошириш учун энг қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш.

Партиянинг фикрича, мулк — бу эркинликнинг энг муҳим кафолати, инсоннинг бошқа барча ҳуқуқларининг манбаи, фуқаролар ҳимояланганлигининг асоси. Сиёсий, ижтимоий, маданий эркинликни иқтисодий эркинликсиз тассавур этиб бўлмайди. Шу боис партия ўзининг кундалик ва парламент фаолиятида хусусий мулкнинг дахлсизлиги ҳақидаги конституциявий тамойилни ҳимоя қилади ва ҳаётга изчил татбиқ этади ҳамда иқтисодиётни бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш, такомиллаштириш ва либераллаштириш, хусусий мулк ҳуқуқини мустаҳкамлаш, уни ишончли ҳимоя қилиш тизимини яратиш учун ҳаракат қилади.

Партия хусусий мулкнинг ривожланиши йўлидаги барча ғовларни бартараф этиш, ортиқча бюрократик тўсиқларни йўқ қилиш, иқтисодиётнинг очиқлигини таъминлаш, мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини оширишни муҳим деб ҳисоблайди ҳамда юртимизда бизнес юритиш билан боғлиқ барча тартиб-таомилларни янада либераллаштириш, соддалаштириш, арзонлаштириш ва уларнинг очиқлигини таъминлаш учун ҳаракат қилади.

Партия давлат ва назорат идораларининг тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашуви билан боғлиқ фактларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратади.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин эгаллаши мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)да кичик бизнес улушини изчил ошириш борасидаги стратегик вазифа билан бевосита боғлиқ. Биз Ўзбекистоннинг етакчи ва нуфузли халқаро молия институтлари томонидан белгиланадиган рейтинглардаги кўрсаткичларини сезиларли даражада яхшилашга қаратилган мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилашнинг комплекс дастурини ишлаб чиқиш учун ҳаракат қиламиз.

Партия кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантиришни, улар фаолияти учун янада эркинлик беришни қуйидаги йўллар билан давом эттириш зарур деб ҳисоблайди:

— бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва тадбиркорлик эркинлигини, хусусий мулк устуворлиги ва ҳимоясини таъминлаш, бозор инструментлари ва бошқарув механизмларини ривожлантириш, рақобат муҳитини яратишга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш;

— кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка имтиёз ва преференциялар бериш, тижорат банклари, лизинг компаниялари ва бошқа молиявий ташкилотлар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиялаштирилишини кенгайтириш, гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ банк кредитлари бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, гаров айланмасига кўчар мулкни жалб этиш ҳисобидан молиялаштириш имкониятларини кенгайтириш сиёсатини давом эттириш;

— барча тадбиркорлик субъектларига, мулк шаклидан қатъи назар, хомашё манбалари ва моддий ресурслардан фойдаланиш учун тенг шароитлар яратиш, улар бўйича бозор нархларини шакллантириш механизмини такомиллаштириш;

— кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қурилиш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишга рухсат олиш муддатлари ва нархини янада қисқартириш, шунингдек, ушбу жараёнларни соддалаштириш;

— ривожланган ва замонавий транспорт коммуникация ва логистика тармоқларини ташкил этиш, ташқи савдо юкларини ташишни оптималлаштириш, янги транспорт йўналишларини синовдан ўтказиш, транспорт харажатларини қисқартириш ва шунга мос равишда экспорт-импорт тартиб-таомилларини янада соддалаштириш;

— кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бўйича давлат харидларини кенгайтириш, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган товарлар ва тақдим этилаётган хизматлар экспортини рағбатлантириш.

Партия кичик бизнеснинг саноат ишлаб чиқаришидаги улушини ошириш учун қулай шароитлар яратиш, йирик саноат корхоналари ва кичик бизнес ўртасида саноат кооперациясини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратади. Бунинг учун партия кооперация, давлат мулкини ва хусусийлаштириш жараёнларини бошқариш, шунингдек, хўжалик жамиятлари устав фондидаги давлат улушини ҳамда давлат корхоналарининг кўчмас мулк объектларини биржа ва биржадан ташқари савдоларда сотиш механизмини соддалаштиришга оид қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни таклиф этади.

Партия кичик бизнес ва фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкасини пасайтириш сиёсатини давом эттириш зарур, деб ҳисоблайди, чунки бу хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида айланма маблағларни тўлдириш ва инвестицияларни амалга ошириш учун қўшимча маблағлар қолдириш имконини беради ҳамда ўз даромадларининг ҳақиқий даражасини камайтириб кўрсатадиган корхоналар сонининг қисқаришини таъминлайди.

Партия рақобатни ҳар томонлама рағбатлантириш ва ривожлантириш, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида монополияларнинг вужудга келишига йўл қўймаслик ва улар сонини максимал даражада қисқартириш учун ҳаракат қилади. Биз қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва бу соҳадаги энг муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратилган қонунларнинг сўзсиз ижроси устидан парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини янада кучайтиришни истаймиз.

**Учинчи.** Иқтисодий ўсиш суръатлари изчиллигини таъминлаш, таркибий ўзгаришлар жараёнини чуқурлаштириш, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, жаҳон бозорларида рақобатдошликни оширишнинг энг муҳим ва зарур шарти сифатида Ўзбекистон иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилиш.

Партия иқтисодиётнинг барча тармоқларига хусусий инвесторларни жалб этиш, реал иқтисодиёт соҳасида, биринчи навбатда саноатда ва унинг етакчи тармоқларида хусусий мулкнинг етакчи роль эгаллаши учун ҳаракат қилади.

Партия амалиётга татбиқ этилаётган, шунингдек, янги инвестициявий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган асбоб-ускуналар, материаллар ва бутловчи қисмлар импортини солиқ ва божхона тизимида яратилган имтиёзлар эвазига қўллаб-қувватлаш ҳисобидан саноатда ишлаб чиқаришнинг жадал ўсишини таъминлашни бу соҳадаги энг муҳим вазифа, деб ҳисоблайди.

Шу мақсадда партия амалдаги қонунчиликка қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчаларни киритишни таклиф этади:

— аввало, Ўзбекистон Республикаси билан инвестицион шартнома имзолаган чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар учун солиқ қонунчилигининг ишончли ва барқарор бўлишини таъминлаш;

— тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини, айниқса, саноатнинг юқори технологияларга асосланган ва қайта ишлайдиган тармоқларига жалб этишни рағбатлантириш, хорижий инвестициялар иштирокидаги компанияларнинг ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятини енгиллаштириш, корхоналарнинг хорижлик таъсисчилари, раҳбар ва муҳандислик таркиби учун виза олиш шартларини соддалаштириш;

— иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестицион лойиҳаларни банклар томонидан кредитлашни кенгайтириш.

Биз инвестицион муҳитни яхшилаш (минтақаларнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш) бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш, мамлакатимиздаги йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг фаолиятига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини фаол жалб этишни таклиф қиламиз.

**Тўртинчи.** Мамлакатимиз саноатининг барқарор, жадал ва мутаносиб ривожланишини таъминлаш мақсадида унинг асосий тармоқларида таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, экспорт салоҳиятини ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш асосида корхоналар самарадорлиги ҳамда рақобатдошлигини янада юксалтириш.

Партия қуйидаги масалаларни саноатни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари деб ҳисоблайди:

— авваламбор, энергетика, нефть-газ, кимё, фармацевтика, тўқимачилик ва енгил саноат, рангли металлургия, машинасозлик ва автомобилсозлик, қурилиш материаллари саноатида қайта ишлайдиган ва юқори технологияларга асосланган корхоналар ва ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, шунингдек, қишлоқ жойларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифатли ҳамда чуқур қайта ишлашга қаратилган саноат ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш;

— ишлаб чиқаришни кенг миқёсда модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларни замонавий, юқори технологик ускуналар билан жиҳозлаш, мамлакатимизда янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;

— маҳсулот ишлаб чиқаришда хомашё ва энергия сарфини камайтириш, ноёб, қайта тикланмайдиган ресурсларни асраб-авайлаш, муқобил энергия ресурсларини излаш ва жорий этиш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

**Бешинчи.** Тадбиркорлик, фермер ва деҳқон хўжалигини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қишлоқда реал мулкдорлар синфини шакллантириш асосида қишлоқ хўжалигини янада диверсификация қилиш ва ривожлантириш.

Партия қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги, чорва маҳсулдорлигини ошириш, қишлоқ жойларда қайта ишлаш саноатини жадал ривожлантиришга алоҳида аҳамият беради. Бу ички бозорни маҳсулотлар билан тўлдириш, аграр секторнинг экспорт салоҳияти ўсишига хизмат қилади, қишлоқ аҳолисининг катта қисми бандлиги ва даромадларининг ошишига олиб келади.

Партия бу борада қуйидагиларни назарда тутадиган комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни таклиф этади:

— экин майдонлари таркибини янада юқори даромад келтирадиган озиқ-овқат майдонларини кенгайтириш ҳисобидан такомиллаштириш, ҳосилдорлиги паст, рентабелликни таъминламайдиган ерларда пахта экинларини экишни босқичма-босқич камайтириб бориш;

— аҳолининг харид қобилияти юқори бўлган йирик ва ўртача шаҳарлар атрофида мева-сабзавотлар, полиз экинлари етиштириладиган майдонларни кенгайтириш;

— мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва ташиш соҳасида хизмат кўрсатадиган фермерлар, қишлоқ хўжалиги корхоналари, маркетинг ва бошқа инфратузилма ташкилотлари ўртасида кооперацияни рағбатлантиришнинг иқтисодий механизмларини шакллантириш;

— қишлоқда саноатни янада ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини кескин ошириш мақсадида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиш.

Партия фермер ва деҳқон хўжаликларини молиявий ресурс ва хизматлар билан таъминлашда, фойдаланилмаётган ва янги ерларни ўзлаштириш ҳисобидан уларга ер майдонлари ажратиш учун тенг шароитлар яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар қабул қилишни таклиф этади.

**Олтинчи.** Ҳудудларнинг комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш.

Партия маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини такомиллаштириш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, ҳудудларни барқарор иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истиқболларини белгилашда уларнинг ролини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш учун ҳаракат қилади.

Депутатликка номзод меҳнат фаолияти давомида ташаббускор ва ташкилотчи мутахассис, қатъиятли раҳбар сифатида ўз имкониятларини намоён эта олди. Айниқса, аёллар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашдек устувор йўналишларни ҳаётга татбиқ этишда ҳамиша ўрнак бўлиб келди.

— Бугун, кичик бўлса-да, ўз бизнесини йўлга қўйиб, оила тебратаётган, иқтисодиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшаётган ишбилармон опа-сингилларимиз сони кундан-кунга ортиб бормоқда, — дейди депутатликка номзод. — Хусусий сектор вакиллари томонидан яратилаётган иш ўринлари эса минглаб оилалар иқтисодий фаровонлигини оширишга хизмат қилаяпти. Шу боис сайловолди дастуримда O`zLiDeP ғоялари асосида ёшлар ва аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятига қизиқишини янада кучайтириш, хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, маҳаллий шарт-шароитдан келиб чиқиб, уларни касаначиликка фаол жалб этиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратдим. Зеро, аёлларимизнинг бошқа соҳалар қатори тадбиркорлик ва ишбилармонликда ҳам беназир салоҳияти, битмас-туганмас ғайрати бор.

Шундай бўлиши ҳам табиий. Чунки Мактуба Арипова номзод аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, касаначиликни йўлга қўйиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида катта тажрибага эга. Биргина жорий йилнинг ўзида юзлаб дугоналарига тадбиркорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун 7,8 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилиши, «Соғлом авлод йили» Давлат дастурида белгиланган «Ҳеч ким меҳр, эътибордан четда қолмасин» шиорига асосан кам таъминланган оилалар фарзандлари ва 50 нафар ногирон боланинг тиббий кўрикдан ўтказилиб, дори-дармон билан таъминланишига бош-қош бўлди.

Мактубанинг партия аъзоси сифатидаги фаолияти ҳам эътиборга лойиқ. Хусусан, O`zLiDeP дастурий мақсадларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ҳамиша партиядошларига ўрнак бўлиб келаяпти. Мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши, халқимизнинг фаровон, бахтли ва соғлом ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароитларни яратиш борасида давлатимиз томонидан олиб борилаётган ислоҳотларни изчиллик билан амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиш унинг бош мақсадидир.

— Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизларнинг ролини ошириш, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, аҳолининг турли қатламлари ижтимоий муаммоларини ечиш ҳам O`zLiDePнинг асосий йўналишларидан биридир, — дейди депутатликка номзод. — Шунингдек, таълим тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фарзандларимизга мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб миллий урф-одатларимиз, азалий қадриятларимизга йўғрилган инсоний хислатларни сингдириш лозим. Ёшлар ва аёлларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш, фуқаролик институтларининг бу борадаги фаолиятини янада кучайтириш ҳам баркамол авлод тарбиясида ўта муҳим аҳамият касб этади.

Сайловчи ҳам шу каби мустақил фикр, ҳаётий тажрибага эга номзодларга овоз бериши, шубҳасиз. Зеро, одамлар қалбига йўл топа оладиган, мавжуд муаммолар ечимини изловчи инсонлар ана шундай ишончга муносибдир.

## Закир УМАРОВ

**Закир Умаров 1980 йилда туғилган. Маълумоти олий. 2001 йилда Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2005 йилда Тошкент давлат юридик институтини тамомлаган. Оилали, икки нафар фарзанди бор**

Меҳнат фаолиятини 2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасида тафтишчи лавозимидан бошлаган. 2013 йилга қадар Иқтисодиёт вазирлиги қошидаги Иқтисодий ночор корхоналар қўмитасида етакчи мутахассис, бош мутахассис ва юридик бўлими бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси юридик бошқармаси бошлиғи ўринбосари, «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси юридик бўлими бошлиғи лавозимларида фаолият юритган.

2013 йилдан ҳозирги вақтга қадар Тошкент шаҳар хўжалик суди судьяси лавозимида ишлаб келмоқда.

Закир Умаров ўз сайловолди дастурида Ўзбекистоннинг ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олишига қаратилган муҳим вазифа сифатида қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштиришни долзарб масала этиб белгилаган.

Закир Умаров тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг муҳим шарти бўлган судларнинг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлашни, тадбиркорлик субъектларининг туман, шаҳар хўжалик судлари ёрдамидан фойдаланиш даражасини босқичма-босқич ошириб бориш, хўжалик судлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни кенгайтириш, хўжалик ишларини кўриш жараёнини аудио ва видео воситалар билан қайд қилиб бориш, суд қарорларини уларнинг расмий веб-сайтларида электрон шаклда эълон қилиш тизимини йўлга қўйиш таклифларини илгари суради.

Бундан ташқари, З.Умаров жиноят, маъмурий қонунчиликни либераллаштириш жараёнларини давом эттириш, иқтисодий жиноятларнинг баъзи турларини декриминаллаштириш тарафдори эканини маълум қилмоқда. Жамият учун хавфи катта бўлмаган ва жиддий оқибатларга олиб келмайдиган айрим иқтисодий жиноятлар бўйича жиноий жавобгарликни енгиллаштиришни, жумладан, муддати ўтиб кетган товарларни сақлагани ва сотгани учун жиноий жавобгарликни, агар улар истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлигига зиён етказадиган жиддий оқибатларни келтириб чиқармайдиган бўлса, декриминаллаштириш, буларнинг ўрнига ҳуқуқбузарликларни содир этгани учун маъмурий жавобгарлик белгилаш лозим, деб ҳисоблайди.

Ўз навбатида, Закир Умаров тадбиркорлар, фермерлар ва ишбилармонларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлайдиган қонунчилик меъёрлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштиришдаги устувор вазифалар сифатида ҳакамлик судлари институтини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий низоларни тартибга солишнинг муқобил, суддан ташқари шаклларини ҳар томонлама ривожлантириш, жумладан, судгача тартибга солиш мажбурий бўлган яраштирув институтини янада такомиллаштириш учун ҳаракат қилишни назарда тутади.



**Закир Умаров 125-Дархон сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

## Азиза ҚОСИМОВА

**Азиза Қосимова 1966 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Маълумоти олий. 1988 йилда Тошкент давлат университетини тамомлаган. Оилали, икки нафар фарзанди бор**



**Азиза Қосимова 126-Темирйўлчилар сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Табиатан ҳаракатчан Азиза меҳнат фаолиятини 1988 йилда Тошкент давлат университети қошидаги илмий-тадқиқот институтида муҳандисликдан бошлади. 1990-1991 йилларда Тошкент политехника, 1991-1995 йилларда Тошкент архитектура қурилиш институтларида муҳандис бўлиб фаолият юритган Азизани бир зумга бўлса-да, болалар билан ишлаш орзуси тарк этмади. Ана шу орзу уни ўқитувчилик сари ундади. 1995-2002 йилларда 106-мактабда, 2002-2006 йилларда эса 1-Республика тиббиёт коллежида физика фанидан ўқувчиларга сабоқ берди. 2006-2010 йилларда Тошкент иқтисодиёт коллежида Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, 2010 йилдан ҳозирги вақтгача Сергели енгил саноат ва сервис касб-ҳунар коллежида директор лавозимида ишлаб келмоқда.

— Мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб ёшларнинг таълим-тарбиясига катта эътибор қаратилиб келинмоқда, — дейди депутатликка номзод. — Ёшлар манфаатини ҳар томонлама муҳофаза қилиш масалалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Таълим тўғрисида»ги, мухтасар қилиб айтганда, жами 30 га яқин қонунда ўз ифодасини топган. Ушбу қонунларда ёшларга доимий ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш кафолатлари ўрин олган. Бундан ташқари, йилларга ном беришда ёшларнинг манфаатлари эътиборга олингани, 2008 йилнинг «Ёшлар йили», 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили», жорий йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилингани, бу борада аниқ мақсадларга қаратилган Давлат дастурлари қабул қилингани ўсиб келаётган ёш авлод келажаги учун қандай улкан ишлар амалга оширилганини кўрсатади.

Мен ҳам ана шу ҳаётбахш ислоҳотларни давом эттирган ҳолда, бугун соҳага оид қонунларни янада такомиллаштириш вазифасини олдимга қўйдим. Агар депутатликка сайлансам, педагог сифатида ўқитувчилар, ота-оналар ва болалар билан ишлашни янада кучайтириш, ёшларнинг таълим ва ҳунар олишлари, айниқса, интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қиладиган қонунларни ишлаб чиқишда фаол қатнашаман. Шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш борасида ҳам бир қатор тадбирлар олиб бориш ниятидаман.

Дарҳақиқат, ёшлар — келажагимиз. Уларнинг ҳар жиҳатдан баркамол, юрт тараққиётига хизмат қиладиган муносиб инсонлар бўлиб вояга етишларига кўмак берувчи партиянинг келажаги порлоқдир.

Азиза Қосимова, шунингдек, ўз сайловолди дастурида қабул қилинаётган қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси устидан амалга оширилаётган назоратнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини таъминлаш, жойлардаги Фермерлар кенгашларининг давлат ва жамоат тузилмалари билан амалий алоқалар ўрнатиши, фермерлик ҳаракатини узоқ муддатли мақсад ва вазифаларга эга бўлган ҳақиқий ижтимоий кучга айлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш каби вазифаларни илгари сурмоқда.

## Ильяс САЛИХОДЖАЕВ

**Ильяс Салиходжаев 1960 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Маълумоти олий. 1982 йил Тошкент автомобиль ва йўллар институтини тамомлаган. Оилали, тўрт нафар фарзанди бор**



**Ильяс Салиходжаев 127-Қорақамиш сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

И.Салиходжаев меҳнат фаолиятини 1982 йилда «Тошйўлқурилиш» трестида 5-тоифали бетончи сифатида бошлаган.

1984-1986 йиллар давомида Ўзбекистон мева ва сабзавот хўжалиги вазирлиги лойиҳалаштириш ва капитал қурилиш бошқармасининг ишлаб чиқариш бўлимида катта муҳандис лавозимида ишлаган Ильяс Салиходжаев кейинги йилларда айнан ана шу йўналишда фаолият юритган. Хусусан, у 1986-2011 йилларда Ўзбекистон давлат агросаноат қўмитасининг лойиҳалаштириш бошқармасида етакчи мутахассис, «Ўзагроқурилиш» бирлашмаси лойиҳалаштириш бошқармасида етакчи мутахассис, бош мутахассис, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги давлат кооператив қўмитаси лойиҳаларни режалаштириш бошқармасида етакчи мутахассис, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги давлат кооператив қўмитаси лойиҳаларни режалаштириш бошқармасида бош мутахассис, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» концерни лойиҳалаштириш ва капитал қурилиш бошқармасининг лойиҳалаштириш ва экспертиза бўлими бошлиғи, мазкур концерннинг лойиҳалаштириш ва капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи, «Ўзмевасабзавотузумсаноатлойиҳа» лойиҳа институти директори, «Ўзмевасабзавотузумсаноатлойиҳа» АЖ бошқаруви раиси, «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ директори, «Ўзагросаноатлойиҳа» МЧЖ кузатув кенгаши раиси лавозимларида ишлаган. 2011 йилдан буён мазкур жамият директори.

O`zLiDePга 2003 йилда, яъни биринчилар қаторида аъзо бўлган. 2012 йилда эса халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати этиб сайланган И.Салиходжаев ўтган давр мобайнида депутатлик гуруҳи томонидан олиб борилган жамоатчилик назорати ишларида фаол иштирок этди.

И.Салиходжаев ўзининг сайловолди дастурида озиқ-овқат хавфсизлиги масаласига жиддий ёндашиш, хусусан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини аниқ режа асосида етиштиришга эътибор қаратиш бўйича алоҳида чора-тадбирларни ишлаб чиқиш тарафдори эканини маълум қилади.

— Узоқ йиллар мобайнида режалаштириш лойиҳалари билан шуғулланувчи ташкилотларда ишлаган мутахассис сифатида партиянинг фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш, қишлоқда реал мулкдорлар синфини шакллантирган ҳолда қишлоқ хўжалигини янада диверсификация қилишга қаратилган устувор вазифаларини қўллаб-қувватлашимни айтиб ўтмоқчиман, — дейди И.Салиходжаев. — Зеро, бу саъй-ҳаракатлар бугунги кунда бутун дунёни ташвишга солаётган озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради. Бундан ташқари, қишлоқ хўжаликлари маҳсулотларини иқлим, тупроқ ҳолати, энг муҳим, талаб ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда экиш керак, деб ўйлайман. Бу борада Фермерлар кенгаши билан ҳамкорликда иш олиб бориши даркор.

Шунингдек, O`zLiDeP аъзоси партия фаолларини интенсив боғларни кўпайтириш, томчилатиб суғориш усулини қўллаган ҳолда сув сарфини камайтириш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини кўпайтиришга қаратилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга чорлайди ва ушбу жараёнларга фермерларни жалб қилган ҳолда кўп тармоқли субъектлар сонини оширишни мақсадга мувофиқ деб билади.

Шу ўринда Ильяс Салиходжаев ҳамкасблари орасида катта тажриба ва сиёсий билимга эгалиги билан ажралиб туришини таъкидлаш жоиз. Ҳақиқатан ҳам қаҳрамонимиз кейинги йилларда раҳбар сифатида шаклланиб, фаолияти давомида фидойи, ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчанлигини кўрсатиб келаётир.

## Дилобар МИРРАҲИМОВА

**Дилобар Мирраҳимова 1962 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Маълумоти олий. 1986 йилда Тошкент давлат тиббиёт институтини тамомлаган. Оилали, икки нафар фарзанди бор**



**Дилобар Мирраҳимова 128-Саноат сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Инсон саломатлигини олий қадрият деб билган номзод меҳнат фаолиятини 1986 йили Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳар касалхонасида жарроҳликдан бошлади. 1988-2014 йилларда пойтахтдаги поликлиника ҳамда 3-шаҳар касалхонасида ишлаган. 1-Тошкент давлат медицина институти аспирантурасида таҳсил олган. Республика илмий медицина ахборот бўлимида катта илмий ходим, 1-Тошкент давлат медицина институтида докторант, марказий илмий-текшириш лабораториясининг катта илмий ходими, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти жарроҳлик кафедраси профессори вазифаларида фаолият кўрсатган. 2014 йилдан «Доктор Д» хусусий клиникаси бош врачининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари.

Депутатликка номзод шифокор ҳам соҳа мутахассиси, ҳам O`zLiDeP фаоли сифатида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлиб, аҳоли орасида юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, хусусан, соғлиқни сақлаш, айниқса, аёлларни соғломлаштириш йўналишида амалга оширилаётган ишларда фаоллик кўрсатиб келмоқда.

— Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда, – дейди Д.Мирраҳимова. — Жумладан, тиббиётда ҳам хусусий сектор шаклланди. Уни янада ривожлантириш эса галдаги муҳим вазифалар сирасига киради. Албатта, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш йўналишида ҳам рақобат бўлиши керак. Чунки соғлом рақобатсиз ҳеч бир соҳа тараққий этмайди. Бу жаҳон амалиётида синовдан ўтган ва кенг қўлланиб келинаётган тажриба. Уни атрофлича ўрганиш соҳамиз олдида турган долзарб вазифалар сирасига киради.

Ҳозирги кунда етакчи тадбиркорларимиз ўзларининг хусусий капиталларини жалб этган ҳолда энг замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган, жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган клиникалар ташкил этаётгани, шубҳасиз, тараққиётга хизмат қилади. Бундай замонавий тиббий муассасалар ёрдамида турли касалликларни эрта босқичда аниқлаш, профилактик кўриклар ташкил этиш имкониятларини юзага келтирмоқда. Диагностика ва даволаш сифатини етарли даражада таъминлаш мақсадида ушбу клиникаларга юқори тоифали шифокорлар жалб этилаётгани эса аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошираяпти. Энг муҳими — халқимизга танлаш имконияти яратилди.

Мухтасар айтганда, партиямизнинг асосий электорати бўлган тадбиркорларимиз мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, замонавий тиббиётнинг энг сўнгги ютуқларини амалиётга татбиқ этиш ҳамда аҳолига сифатли ва малакали тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш тарафдоридир.

Депутатликка номзод ўз сайловолди дастурида, шунингдек, мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий соҳадаги ислоҳотларни давом эттириш мақсадида қабул қилинаётган қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси устидан амалга оширилаётган назоратнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини таъминлаш, жойлардаги ННТларнинг давлат ва жамоат тузилмалари билан барқарор амалий алоқаларни ўрнатиш, хусусий бизнес ва фермерлик ҳаракатини аниқ-равшан белгилаб олинган узоқ муддатли мақсад ва вазифаларга эга бўлган ҳақиқий ижтимоий кучга айлантириш каби комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни таклиф қилмоқда. Сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, соҳага рақамли ахборот технологияларини кенг жорий этиш, журналистларнинг профессионал тайёргарлик даражасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Инсон саломатлиги — бебаҳо неъмат. Ана шу неъматнинг барҳаётлигини таъминлашда Дилобар Мирраҳимова каби жонкуяр, фидойи юртдошларимизнинг ўрни беқиёсдир.

**АЗИЗ САЙЛОВЧИЛАР!**

**УНУТМАНГ: 2014 ЙИЛ 21 ДЕКАБРЬ КУНИ СИЗНИНГ ОВОЗИНГИЗ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛАДИ.**

# ЖАРАЁН

## Тенгдошларининг бандлигини таъминлаган ёшлар

**O`zLiDeP Наманган вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими томонидан берилган маълумотларга қараганда, 2014 йилнинг тўққиз ойи давомида турли шаклда 216 та тадбир ўтказилган. Уларда 11 000 нафардан ортиқ ёш қамраб олинган**



**Шуҳрат РАҲИМОВ,**
«XXI asr»

Эътиборли томони шундаки, партиявий лойиҳаларда қатнашаётган ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Жумладан, «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасида ўтган йили 75 нафар талаба қатнашиб, шулардан 50 нафари 130 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини қўлга киритган бўлса, жорий йилда уларнинг сони 100 нафардан ошди. Тўққиз ой давомида шулардан 31 нафари партия тавсияси асосида 97 миллион 700 минг сўмлик кредит олишга муваффақ бўлди.

Энг муҳими, ўзи тайёрлаган бизнес-режаси асосида сармояга эга бўлган навқирон авлод вакиллари тадбиркорлик фаолиятини бошлаяптилар. Хусусан, мазкур лойиҳанинг 2012 йилдаги иштирокчилари Нодира Мухторжонова ва Зулфизар Баҳодирова тикувчилик, 2013 йилги қатнашчилардан Шаҳзода Муҳиддинова миллий ҳунармандчилик, Мунаввар Адашева паррандачилик, жорий йилдаги ғолиблардан Ҳусниддин Мирзамаҳмудов иссиқхона ва Бахтиёр Ҳакимжонов асаларичилик йўналишларида иш бошлаш баробарида тенгдошларининг бандлигини таъминлашга ҳисса қўшишди.

## Биологик усул ва экологик тоза маҳсулот

**Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида «Қишлоқ хўжалик экинларини турли касаллик ва зараркунандалардан ҳимоялашда биологик усулнинг аҳамияти» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди**

**Рисолат МАДИЕВА,**
«XXI asr»

Таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда мавжуд биолабораториялар сони 730 тага етиб, 90 фоиздан ортиқ ғўза майдонларига биологик усулда ишлов берилмоқда. Кейинги уч йил мобайнида 70 дан ортиқ янги биолаборатория ташкил этилди ва 80 дан ортиғининг биомаҳсулот кўпайтириш қуввати янги линиялар ўрнатиш ҳисобига оширилди. 2004 йилда 1,6 млн. гектар майдонда биологик усул қўлланилган бўлса, 2014 йилга келиб бу кўрсаткич 2,3 млн. гектарга етди.

— Зараркунандалар тарқалишининг олдини олиш мақсадида профилактик тадбирларни ўтказишга катта эътибор берилмоқда, — деди Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш агрокимё маркази бош директори Ражаббой Очилов. — Бу эса, ўз навбатида, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, экологик тоза маҳсулотлар етиштиришда салмоқли натижаларни бермоқда. Айни пайтда мулкдорларимиз қишлоқ хўжалигида зарарли кимёвий воситалар ўрнига биологик ўғитлардан фойдаланишни афзал билмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши биологик усулни қўллаш бўйича Ўзбекистон нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунёда етакчи ўрин эгалламоқда. Соҳа олимлари зараркунандаларга қарши биологик усулни қўллаш борасида қатор мамлакатлар деҳқонларига амалий ёрдам кўрсатмоқда. Зеро, бу усулнинг озиқ-овқат хавфсизлиги, атроф-муҳит тозалиги ва инсон саломатлигини асрашдаги ўрни беқиёсдир.



Солиҳ ЗОИР олган сурат

## Озод юртнинг обод оиласи

**Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги «Чўпон ота» маҳалласида яшовчи Олимхожи ота Иброҳимовнинг хонадони ҳақида гап кетганда, бу оиладаги аҳиллик ва тотувлик хусусида маҳалладошлари меҳр билан сўзлашади. Олимхожи ота 1954 йили ҳозирги Тошкент давлат иқтисодиёт университетини муваффақиятли битириб, савдо соҳасида узоқ йиллар фаолият кўрсатган.**

**У ширинсўзлиги, касбига садоқати, ҳалоллиги туфайли эл орасида обрў қозонди. Маҳаллани ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ҳамда савдо дўконлари, чойхона, новвойхоналар қурилишида фаол иштирок этди. Олимхожи ота айни пайтда 85 ёшни қарши олди. Турмуш ўртоғи Шарифа ая билан 4 ўғил, 3 қизни эл корига ярайдиган фарзандлар қилиб тарбиялашди. 24 нафар невара, ўндан ортиқ эваралари уларнинг атрофида парвона.**

## Қарияларни қадрлаган юрт

Кексаларни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром бажо айлаш халқимизнинг азалий анъаналаридан ҳисобланади. Бу урф-одат мустақиллик йилларида давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимизнинг 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисидаги фармони бу борада олиб борилаётган ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Марғилон шаҳрида истиқомат қилаётган 26 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва 413 нафар фронт ортидаги меҳнат фахрийси бу ҳужжатни зўр мамнуният билан қабул қилдилар.

— Мен айни навқирон йигитлик чоғимда армия сафига чақирилиб, аёвсиз жангларда иштирок этдим, — дейди Марғилон шаҳридаги «Бурҳониддин Марғиноний» маҳалласида яшовчи Абдуҳамид ота Солиев. — Жанггоҳларда талай қийинчиликларни бошимдан кечирдим...

Эсон-омон урушдан қайтиб келган Абдуҳамид ака халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлади.

— Юртбошимизнинг матбуотда эълон қилинган фармони барча қуролдош дўстларим қатори мени ҳам беҳад қувонтирди, — дейди Абдуҳамид ота. — Ахир, қувонмай бўладими? Унда республикамиздаги энг яхши санаторий, соғломлаштириш муассасаларида ўзимизга мақбул бўлган пайтда йилда бир маротаба бепул соғломлаштириш курсидан ўтишимиз кўзда тутилган. Бу деярли ҳеч бир давлатда йўлга қўйилмаган имтиёз-ку! Ҳа, ёшу қари — барчамиз мустақиллигимизни, ҳукуматимизнинг оқилона сиёсатини, ўлкамиздаги тинчлик-хотиржамликни янада қадрлайлик, бу неъматларни кўз қорачиғидай асрайлик!

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.**

## Қайта «туғилган» туғруқхона

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ юртимизда «Соғлом она — соғлом бола» масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Кенг кўламли умуммиллий дастурлар доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом болалар туғилишига зарур шарт-шароитлар яратиш, оилаларда тиббий маданиятни шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Соғлом бола йили» Давлат дастури БМТнинг расмий ҳужжати сифатида тарқатилиб, унинг олтита расмий тилга таржима қилингани эса мамлакатимизда аҳоли саломатлигини асраш, айниқса, оналик ва боликни муҳофаза қилишга бўлган алоҳида эътибор ва ғамхўрликнинг муносиб эътирофидир.

Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмаси 1-туғруқ комплекси 155 ўринга мўлжалланган бўлиб, комплекс жуда қисқа фурсатларда давлат стандартлари талаби асосида қайта қуриб битказилди.

Шифо масканининг тантанали очилиш маросимида иштирок этган вилоят ҳокими Шуҳратбек Абдураҳмонов тиббиёт соҳасида эришилаётган муваффақиятлар, рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ҳақида сўз юритди.

Чиндан ҳам, туғруқ комплексида тиббиёт ходимлари фаолияти учун барча қулайликлар мавжуд.

— Туғруқ уйига келаётган ҳомиладор аёлларимизнинг қувончига шерик бўлиш, келажагимиз ворисларининг соғлом туғилиши ва вояга етишида ҳисса қўшаётганим мени чексиз бахтиёр этади, — дейди комплекс бўлими бошлиғи Гулчеҳрахон Мирзабоева. — Маълумот ўрнида шуни айтиш жоизки, мамлакатимизда аёлларнинг репродуктив саломатлиги яхшиланмоқда. Хусусан, туғруқлар оралиғи уч ва ундан кўпроқ йилга узайди. 2013 йилда 95 фоиздан кўпроқ ҳомиладор аёллар шифокорларнинг ушбу тавсияларига риоя этишган. Ҳомиладор аёлларнинг 84 фоизини 20 ёшдан 30 ёшгача бўлган оналар ташкил этган. Шу тариқа эрта ёшдаги туғруқлар камайишига эришилди.

**Эльмира РАҲМОНОВА.**



**Биз — XXI асрда яшаяпмиз!**

**Биз — XXI асрда ишлаяпмиз!**

**Сиз — «XXI ASR»га обуна бўлдингизми?**

**Нашр индекси: 406**

**Мурожаат учун телефон: (0 371) 215-63-80**

## Китоблар ҳақида нималарни биласиз?

Олимларнинг аниқлашича, Санкт-Петербургдаги кутубхонада сақланадиган Алишер Навоийнинг илк шеърий тўплами бундан беш аср илгари олтин суви билан ипак қоғозда битилган ва ҳар бир саҳифаси нақшлар билан безатилган. Ушбу тўплам шарқнинг машҳур ҳаттоти Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган.

Дунёдаги энг катта китоб Амстердамнинг музейларидан бирида сақланади. Бу китоб «Денгиз қоидалари» деб номланади. Унинг эни бир метр, қалинлиги чамаси ярим метр келади.

Жаҳондаги энг қиммат китоб эса француз Жозеф Форе томонидан нашр қилинган «Апокалипсис»дир. 100 миллион эски франк миқдорида баҳоланган ушбу китоб Парижнинг замонавий санъат музейида сақланади. Вазни – 120 килограмм.

Энг оғир китоб Буюк Британия музейида сақланадиган географик атлас саналанади. Унинг бўйи бир метр, оғирлиги 320 килограмм.

Биринчи бўлиб тахаллус остида ижод қила бошлаган муаллиф юнон комедиографи Аристофандир. У эрамиздан аввалги V-VI асрларда яшаган.

Ёзувчи Оноре де Бальзакнинг ғалати одатлари ҳақида у ҳаётлик чоғидаёқ кўп гаплар юрган. Масалан, ҳар сафар янги асар ёзишдан олдин бир-икки ой муддат хонасига қамалиб олар экан. Ёзувчи пардаларни ёруғлик кирмайдиган даражада маҳкам ёпиб, шам ёруғида ишлаган. Бальзак кунига 18 соат давомида ижод қилган ва куну туннинг фарқини билмаслик муҳим бўлган.

«Тиббиётнинг энг ноёб сирлари». Голланд шифокори Герман Бурхаевнинг 100 саҳифадан иборат қалин китоби шундай номланган. Китобни 1738 йилда шифокор вафотидан сўнг муҳрланган ҳолда топиб олишади. Аукционда 10 минг АҚШ долларига сотилади. Муҳр очилгач маълум бўладики, саҳифалар оппоқ, ҳеч нарса ёзилмаган, фақатгина титул варағида «Бошингни салқинда, оёғингни иссиқда сақласанг, энг яхши табибни ҳам қашшоққа айлантирасан» деган ёзув бўлган.

## Иллатларни томиридан қирқиш керак

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти билан ҳамкорликда Андижон, Қашқадарё, Жиззах вилоятларида «Ёшлар ўртасида ноқонуний меҳнат миграцияси, одам савдоси, кашандалик, алкоголизм ва гиёҳвандликнинг олдини олиш борасида ННТларнинг ўрни ва вазифалари» мавзуида давра суҳбати ўтказди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида уюштирилган тадбирдан кўзланган асосий мақсад одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотларини фаоллаштириш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, ноқонуний меҳнат миграцияси, гиёҳвандлик, алкоголизм ва кашандалик каби иллатларнинг сабабларини ўрганиш, унинг оқибатларини камайтириш борасида аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқишдир.

Тадбирда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳамда Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга жиддий эътибор қаратилиб, бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилди.

## ОБ-ҲАВО

**Мана, куз фасли ҳам поёнига етиб, ўз ўрнини паға-паға тушадиган қор, болажонларимиз мазза қилиб чанғи учадиган фасл – қишга бўшатиб бермоқда. Соҳа мутахассисларининг маълумотларига қараганда, республикамизнинг айрим ҳудуларида бир неча кун давомида совуқ ҳаво оқими сақланиб қолади, вақти-вақти билан ёмғир (қор) ёғиб, туман тушиши кутилмоқда. Хусусан, жануби-ғарбий ҳудудларда ҳарорат кечаси −3... −8 даража бўлса, кундузи +1...+6, айрим жойларда +8...+13 даражагача кўтарилади. Юртимиз шарқи – Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида эса кечаси 0...+5, баъзи жойларда −2 даражагача совуқ бўлади, кундузи +3...+8 даражагача ўзгариб туради. Тошкент вилояти ҳамда пойтахтимизда термометр миллари кечаси −3..+2, кундузи +3...+8 даража бўлишини кўрсатади. Тоғли ҳудудларда кечаси −3... −8 даражадан 0... −5 даражагача, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади.**



## РЕКЛАМА




Автосалон в Ташкенте
тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99
ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «POYTAXT»)
ЗАЗ
www.sardor-avto.uz
Товар сертифицирован.

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

**БОШ МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ:** Озод РАЖАБОВ.
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.
**ТЕЛЕФОНЛАР:** Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
**ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru

**«XXI ASR»** ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Буюртма рақами: S 1473 Тираж: 11683
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди — 20:00

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Реклама материалларига таҳририят жавобгар эмас.
Газета таҳририятда терилди ҳамда дизайнер Маркс Юсупов томонидан саҳифаланди.
**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**

ISSN 2181-497X

Навбатчилар:
Т.АБДУРАҲМОНОВ, А.МУЗАФФАРОВ.

КИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ

# Ака-ука фермерлар

**O`zLiDeP дастурида белгилаб қўйилганидек, қишлоқ хўжалигида иқтисодий муносабатлар тизимини такомиллаштириш аграр ислоҳотларни амалга оширишнинг устувор йўналишидир**

**Дилора ЭСОНОВА,**
«XXI asr»



Зеро, ердан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тармоғини фермер хўжаликлари негизида ривожлантириш долзарб масаладир.

Сирдарё вилоятида илғор пахтакорлар сифатида элга танилган беш ака-ука — Абдуғани, Алижон, Баҳодир, Абдуназар ва Абдуқодир Кенжаевлар эришаётган ютуқларда уларнинг падари бузруквори Аҳмад отанинг ҳиссаси катта.

— Эсимизни танибмизки, отам биз билан ҳамкор, ҳамфикр бўлди, — дейди «Аҳмадий» фермер хўжалиги раҳбари, O`zLiDeP фаоли Баҳодир Кенжаев. — Отам узоқ йиллар давомида «1-Боёвут» ширкат хўжалиги, «Боёвут» агрофирмасида механизатор, илғор пахтачилик жамоаси бошлиғи бўлиб самарали меҳнат қилди. 50 центнерчи уста пахтакор сифатида ном қозонди.

Заҳматкаш отасига елкадош бўлган ўғиллар ғўза қатор ораларини юмшатиш, сув тарашдан тортиб пахта ва ғаллани йиғиб-териб олгунга қадар унинг ёнида бўлишди. Деҳқончиликнинг ҳадисини олишди.

Йиллар ўтиб мазкур жамоа негизида учта – Абдуғани етакчилигидаги «Абдуғани Каттабой», Алижон раҳбарлигидаги «Абдуқодир Аҳмадзода» ҳамда Баҳодир Кенжаев бош бўлган «Аҳмадий» фермер хўжалиги ташкил этилди. Абдуназар ва Абдуқодир ҳам мазкур хўжаликларда ҳосилот ва иш юритувчи вазифасини бажаришади.

Аҳиллик, ўзаро ҳамфикрлик билан меҳнат қилиш натижасида учала фермер хўжалигида ҳосилдорлик йилдан-йилга ошиб борди. Ака-ука фермерлар йилига ҳар гектар ердан 40 центнердан ошириб пахта, 60 центнердан ошириб дон етиштириб келишмоқда.

«Аҳмадий» фермер хўжалиги раҳбари Баҳодир Кенжаев бугунги кунда вилоятда кўп тармоқли илғор фермер хўжалиги раҳбари сифатида ҳам ном чиқарган. 1992 йилда 30 бош қорамол сотиб олиб, 3 гектар майдонда чорвачиликни йўлга қўйган Баҳодир йиллар ўтиб экин майдонини 194 гектарга етказди. Самарали ва фидокорона меҳнат туфайли бугунги кунда кўп тармоқли фермер хўжалигида қорамоллар сони 161 бошга етказилди. Уларнинг 66 бошини сермаҳсул соғин сигирлар ташкил қилади. 30 гектар майдонга экилган беда қорамолларни ем-хашак билан таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаяпти.

Ғалладан бўшаган майдонларга экилган маккажўхори ҳам озуқанинг мўл бўлишини таъминлаяпти. Чорва молларига катта эътибор қаратилаётганлиги сабабли ўтган йили аҳоли дастурхони ва ҳудуддаги болалар боғчаларига 80 тонна сут, 14 тонна гўшт етказиб берилди. Ғалла, пахта ва чорвачиликдан 2013 йилда 849 миллион сўм даромад қилишди. Шунинг 344 миллион сўми соф фойдани ташкил этди.

Бугунги кунда фермер хўжалиги тасарруфида 16 та ишлов, ҳайдов ва ўрим агрегатлари мавжуд. Иш қуролининг созлиги деҳқонлар эришаётган ютуқларнинг омили бўлмоқда.

Айни пайтда хўжаликда 20 нафар киши меҳнат қилади. Уларнинг 11 нафари касб-ҳунар коллежи битирувчиларидир. Бундан ташқари, ҳар йили 75-100 нафар мавсумий ишчи ғўза чопиғи ва пахта ўрим-йиғимида иштирок этади. Бу йилги мавсум «Аҳмадий» фермер хўжалиги учун янада омадли келди. Ҳар гектар майдондан олинган ғалла ҳосилдорлиги 60 центнерни ташкил қилди. Шу боис 100 тоннадан ортиқ дон фермер хўжалигининг ихтиёрида қолдирилди. Ишчиларга 1,5 тоннадан буғдой тарқатилди. Фермер ташаббуси билан 10 та кам таъминланган оилага 500 килограммдан буғдой берилди.

Ҳалол ва фидокорона меҳнат Баҳодирни элга танитди, десак муболаға бўлмайди. Сўзимиз исботи сифатида «Ташаббус-2014» кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этган Б.Кенжаевнинг «Энг яхши фермер» номинацияси бўйича биринчи ўринга муносиб кўрилиб, Президент совғаси — «Spark» автомашинаси билан тақдирланганини айтиб ўтиш мумкин. Бу йилги мавсум якунига кўра фермер пахтачиликда ҳам илғорликни қўлдан бермади. 105 гектар ерга пахта эккан хўжалик миришкорлари ҳосилдорликни 40 центнердан оширишди.

Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик, деганларидек, беш ака-ука олган даромадлари туфайли бешта намунавий лойиҳа асосида қурилган янги уй-жойнинг эгаси бўлишди.

40 нафар илғор фермер қаторида хорижда бўлиб ўтган қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологиялари кўргазмасида иштирок этиб, уйга янги ғоялар билан қайтган Баҳодир энди қишлоққа янги технология олиб келиш устида бош қотирмоқда.

— 200 бошга мўлжалланган молхона қуришни режалаштираяпмиз, — дейди фермер. — Бундан ташқари, сутни қайта ишлаш цехини ишга туширишни ҳам кўзда тутганмиз. Бунинг эвазига ўндан зиёд йигит-қиз учун янги иш ўрни яратиш имконияти вужудга келади.

Меҳнат инсоннинг ҳақиқий баҳосини берувчи бамисоли қайроқтош. Истиқлол шарофати туфайли ҳурмату эъзозга мушарраф бўлган Баҳодир мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида Президентимизнинг юксак мукофоти — «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. У ана шу ишончни оқлаш ва унга муносиб бўлиш йўлида бор салоҳиятини ишга солмоқда.

## Партия фаоли янги корхона очмоқчи

Пастдарғом туманида илғорлар қаторида фаолият юритаётган «Олимхон Аҳад Толмас» фермер хўжалиги 70 гектарлик ерда ғалладан мўл ҳосил олиш баробарида бор куч ва имкониятини кўрсаткичларни янада яхшилашга қаратиб келаётир.

— Йилдан-йилга тажрибамиз ортиб бораяпти, — дейди мазкур хўжалик раҳбари, O`zLiDeP аъзоси Толмас Аҳадов. — Масалан, ўтган йили буғдойнинг «Яксарт элита» навини парвариш қилиб, гектаридан 54 центнердан сара дон йиғиб олгандик. Жорий йилда эса ҳосилдорликни 60 центнерга етказдик. Пахта етиштириш бўйича ҳам натижаларимиз чакки эмас. 40,2 гектар майдонга ғўзанинг «Омад-элита» навини экиб, 42 центнердан хирмон кўтардик.

— Хўжалик раҳбарининг буйруғни кутиб ўтирмасдан далаларни айланиб, қайси майдонга агротехника чораларини қўллаш кераклигини чамалашга одатланганмиз, — дейди механизатор Холмўмин Саримсоқов. — Ҳар йилги фойдадан зарур техникаларни харид қилиб келаётганимиз ўз самарасини бермоқда.

Тадбиркор ва фермерларга яратилган эркинликлар O`zLiDeP фаолини янада каттароқ режалар тузишга ундамоқда. Яқинда фермер ўзи яшаётган «Қайрағоч» қишлоғида артезиан қудуғи қазиб, юздан ортиқ хонадонни ичимлик суви билан таъминлади. Келгусида чорвачиликни кенгайтириб, гўшт ва сутни қайта ишлаш корхонасини ташкил қилиш орқали янги иш ўринлари яратишга бел боғлаган.

**Муҳаббат РАВШАНОВА.**

## Деҳқон бой бўлса — юрт обод бўлади

Президентимизнинг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлашда O`zLiDeP ва Фермерлар кенгаши ҳамкорлиги ўз самарасини бермоқда.

Бугун Сирдарё туманида 40 дан зиёд чорвачилик, 14 та балиқчилик, 7 та паррандачилик ва асаларичилик, 33 та боғдорчилик, 34 та сабзавот ва полизчилик хўжаликлари фаолият юритаяпти. Улар томонидан 50 дан зиёд сервис ва маиший хизмат шохобчаси йўлга қўйилган.

Шу йилнинг ўзида тумандаги ўндан зиёд фермер хўжалиги хориждан янги технологиялар олиб келиб, етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлай бошлади.

— 5 гектар майдонда интенсив боғ, 0,5 гектар ерда балиқчилик хўжалигини ташкил этдик, — дейди «Амир Темур» фермер хўжалиги раҳбари, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Неъмат Раҳматуллаев. — Балиқчиликдан аҳоли дастурхонига 10 тоннадан зиёд маҳсулот етказиб беришни мақсад қилганмиз.

O`zLiDeP фаолининг таъкидлашича, интенсив боғдаги мевали дарахтлар ҳам келгуси йилдан бошлаб ҳосилга киради. 50 гектар майдондаги пахтадан эса 45 центнердан ошириб хирмон кўтарилди.

Айни кунларда туман Фермерлар кенгаши O`zLiDeP туман ташкилоти билан ҳамкорликда мулкдорлар учун ўқув-семинарлари, давра суҳбатлари, учрашув ва мулоқотлар ташкил этишаяпти. Ўнлаб илғор фермерларнинг Хитой, Исроил, Германия, Польша, Голландия, Малайзия давлатларида тажриба ўрганиб келаётгани эса қишлоққа янги-янги технологияларни олиб кириш, ҳудудлар ободлиги ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга замин яратяпти.

## Ахшаклик иссиқхоначилар

Ахшак қишлоқ фуқаролар йиғини Тошлоқ туманида энг намуналилардан бири ҳисобланади.

— Ҳудудимизда қарийб 20 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Хонадонлар ихтиёрида жами 490 гектарлик томорқа мавжуд. 300 дан зиёд иссиқхонада турли хил маҳсулотлар етиштирилмоқда. Гулчилик, полиз экинлари, лимон етиштириш эвазига йилдан-йилга даромад кўпаймоқда, — дейди Ахшак қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Адҳамжон Юнусов. — Жумладан, Шавкат Абдуллаев, Эркин Ҳайдаров, Мадамин Юнусов, Шуҳрат Мусаев, Райимжон Асқаров, Эрмат Ёқубов, Ғанижон Ўрмонов иссиқхонада тадбиркорликни йўлга қўйган инсонлар саналади.

Пахтакор маҳалласида яшовчи Маҳлиё Пўлатова эса тикувчилик цехи очиб, маҳаллий хотин-қизлардан 10 нафарининг бандлигини таъминлади. Мижозлар сони ортиб бораётган чеварлар ишидан ҳамқишлоқлари мамнун.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.

# Оилавий тадбиркорлик

**Ишбилармонликнинг ушбу шакли илк қадамлариданоқ кичик бизнеснинг истиқболли тармоқларидан бирига айланди**

**Зиёдулла МЎМИНОВ,**
«XXI asr»



Бугун Янгийўл туманининг қайси ҳудудида бўлманг, деярли ҳар бир хонадонида камида бир киши тадбиркорликнинг у ёки бу тури билан шуғулланаётганига гувоҳ бўласиз. Тўрт киши бир ерга жамланса, гуруҳнинг асосий мавзуси ким нима етиштираяпти-ю, нима ишлаб чиқараётгани, кимлар билан ҳамкорлик қилаётгани ҳақида бўлади.

— Авваллари янгийўлликларнинг аксарияти савдо-сотиқ билан шуғулланган бўлса, ҳозир маҳаллий ишбилармонлар ўз корхонаси, цехи ёки деҳқон хўжалигига эга, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг вилоят бошқармаси бошлиғи Файзулла Маманов. — Қувонарлиси, ташкил этилаётган оилавий корхоналарда илғор технологиялар жорий этилиб, жаҳон андозалари даражасида маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Шу боис ҳам вилоят ялпи ҳудудий маҳсулот салмоғида уларнинг улуши тобора ортиб бормоқда. Бошқача айтганда, юртимизда эркин ишбилармонлик муҳити яратилгани, тадбиркорлар ҳимоясига йўналтирилган қатор қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилинаётгани хусусий сектор вакилларининг йилдан-йилга кўпайиши ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат жиҳатдан яхшиланиб боришига омил бўлмоқда.

Масалан, биргина шу йилнинг ўзида вилоятда икки мингдан ортиқ янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди. Бунда «Тадбиркорлик субъектларини Интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизмини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор ижросини таъминлаш мақсадида жойлардаги ҳокимликлар ҳузурида тадбиркорлик субъектларини электрон тизимда давлат рўйхатидан ўтказиш самарали йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

— Пешонаси ярқираган ишбилармон аёллардан бири — менман, — дейди O`zLiDeP фаоли Гулчеҳра Султонова. — Мамлакатимизда тадбиркорларга шу даражада кўп имконият ва имтиёзлар яратиб берилаяптики, бундан баъзан ўзимиз ҳам лол қолаяпмиз. Бугун ишимизга бирор нарса халақит бердими, кўп ўтмай ўша муаммо ҳукумат даражасида ҳал қилиб берилаяпти. Биз ҳам шунга яраша жавоб қайтаришга ҳаракат қилаяпмиз.

**— ПЕШОНАСИ ЯРҚИРАГАН ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАРДАН БИРИ — МЕНМАН, — ДЕЙДИ O`ZLIDEP ФАОЛИ ГУЛЧЕҲРА СУЛТОНОВА. — МАМЛАКАТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛАРГА ШУ ДАРАЖАДА КЎП ИМКОНИЯТ ВА ИМТИЁЗЛАР ЯРАТИБ БЕРИЛАЯПТИКИ, БУНДАН БАЪЗАН ЎЗИМИЗ ҲАМ ЛОЛ ҚОЛАЯПМИЗ. БУГУН ИШИМИЗГА БИРОР НАРСА ХАЛАҚИТ БЕРДИМИ, КЎП ЎТМАЙ ЎША МУАММО ҲУКУМАТ ДАРАЖАСИДА ҲАЛ ҚИЛИБ БЕРИЛАЯПТИ. БИЗ ҲАМ ШУНГА ЯРАША ЖАВОБ ҚАЙТАРИШГА ИНТИЛАЯПМИЗ.**

Фаолиятини дастлаб оилавий тадбиркорликдан бошлаган Гулчеҳра опа бугунги кунда кўп тармоқли фермер хўжалигига бош-қош. Қишлоқнинг ўн нафардан ортиқ аҳолиси доимий, 30 дан ортиқ киши эса мавсумий ишга жалб этилади. Ғалладан камида 70-80 центнерга етказиб ҳосил олинмоқда. Буларга қўшимча тарзда паррандачилик, қисман чорвачилик ҳам йўлга қўйилганки, эвазига ҳудуддаги касб-ҳунар коллежларини тугатган йигит-қизлар турли соҳалар бўйича ишга қабул қилинаяпти.

— Ёшлар билан ишлашни яхши кўраман, — дейди Г.Султонова. — Шу боис ҳар йили 2-3 нафар ёш мутахассисни хўжалигимизга ишга жалб қиламиз. Шулар орасида кичик ўғлим Мирсултон ҳам бор. У ҳозир пойтахтдаги академик лицейнинг охирги курсида ўқияпти. Бўш пайтларида хўжаликда бўлиб, отасига ёрдамлашади. Унинг рационализаторлик йўналишидаги антиқа таклифлари менга ҳар доим хуш келавермасада, янгиликка интилишини кўриб, қувониб кетаман. Ҳозир у O`zLiDePнинг «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасида қатнашишга тайёргарлик кўриб юрибди.

Гулчеҳра опа 2011 йилда «Ҳамкорбанк»нинг Янгийўл филиалидан 300 минг АҚШ доллари миқдорида кредит олиб, «Ломан Браун» зотли жўжа ва паррандачиликни ривожлантириш мақсадида замонавий технология сотиб олганди. Мирсултон инглиз тилини яхши билгани учун ўша пайтда у 15 ёшда бўлса ҳам хориждан келган мутахассислар билан мазкур технологияни ўрнатиш пайтида тилмочлик қилди. Шу баҳонада ўзи ҳам ушбу технологияни бошқариш, таъмирлаш ҳамда техник хизмат кўрсатишни ўзлаштириб олди. Хорижлик мутахассисларнинг ҳайрон қолганини кўринг эди ўшанда. Оддий бир қишлоқ боласининг 2-3 тилда бемалол гаплаша олиши ҳақиқатан ҳам камдан-кам учрайдиган ҳолат.

Хорижлик мутахассислар технологияни ишга тушириб, юртларига қайтиб кетаётганларида: «Ўрнимизга катта устани қолдираяпмиз. Энди бизнинг келишимизга ҳожат йўқ», дейишганини эсласам, қалбимни ажиб бир ҳис чулғаб олади. Ваҳоланки, шартномамиз бўйича ускуналарнинг тўлиқ ишлаши бўйича кафолат муддати белгиланган. Бугун 20 минг парранда боқилаётган цехдаги ана шу қимматбаҳо технологияни 18 ёшли ўғлим бошқараяпти. Қизим Лайло эса хўжаликда иш бошқарувчи. Бир сўз билан айтганда, оилавий корхонамиз ривожланиб бораяпти. Юртбошимиз айтганларидек, эртага бизнинг ўрнимизга шу ёшлар қолади. Мақтаниш эмасу, қишлоғимиздаги кўпчилик ёшлар, катталар ҳам биз каби тадбиркор бўлишга орзуманд. Туман Фермерлар кенгаши, O`zLiDeP Янгийўл туман кенгаши билан биргаликда иш олиб бораяпмиз.

Хуллас, бутун республикамизда бўлгани сингари Янгийўлда ҳам ким қайси соҳа билан шуғулланаман деса, йўл очиқ. Ундан ана шу йўлдан фақат тўғри бориш, имкониятлардан оқилона фойдаланиш талаб этилаяпти, холос...

## САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

**«Хонадонимдаги газ сарфини ҳисоблаш асбобини (воситасини) республикамизнинг бошқа ҳудудларида фаолият юритаётган «Ўзстандарт» агентлигининг аккредитланган қиёслаш лабораторияларида давлат қиёсловидан ўтказишим мумкинми?**

Н.Ҳайдарова, Тошкент шаҳри».

— Албатта мумкин. Чунки «Ўзстандарт» агентлигининг барча ҳудудларидаги синов ва сертификатлаштириш марказлари таркибига кирувчи «Ўлчаш воситалари устидан давлат метрологик текширув» бўлимларига ягона талаб қўйилган.

**“Маиший техника дўконидан хорижда ишлаб чиқарилган ёзда совуқ, қишда иссиқ ҳаво берадиган кондиционер сотиб олдим. Текшириб кўрганимда ҳаммаси жойида эди. Бироқ кўп ўтмай кондиционерим яхши ишламай қолди. Дўконга мурожаат қилай десам, унинг кафолат муддати тугаган эди. Айтингчи, импорт кондиционерлар сотувга чиқарилишидан олдин лаборатория текширувидан ўтказиладими?**

И.Ҳасанов, Сирдарё вилояти».

— «Қиш-ёз» русумидаги кондиционерлар мажбурий сертификатлаштириладиган маҳсулотлар рўйхатига киритилган бўлиб, улар қаерда ишлаб чиқарилганидан қатъий назар, албатта «Ўзстандарт» агентлиги ёки унинг аккредитланган лабораторияларида ўтказилган синов натижаларига кўра сертификатланади. Шу боис ҳар бир истеъмолчи кондиционерни харид қилишдан аввал унинг паспорти, қўллаш йўриқномаси, мувофиқлик сертификатини сотувчидан сўраши керак. Шунингдек, кондиционернинг номинал қуввати, совутиш (иситиш) учун мўлжалланган хона ҳажмига нисбатан қувватининг мос келишига аҳамият бериш лозим.

*Саволларга СМСИТИ бўлим бошлиғи Ғайрат Ғозиев жавоб берди.*

# O`zLiDeP НОМЗОДЛАРИ УЧУН ОВОЗ БЕРИНГ!

## Полянте СВЕШНИКОВ

**Полянте Свешников 1954 йилда туғилган. Маълумоти олий. 1982 йилда Тошкент политехника институтини тамомлаган. Оилали, икки нафар фарзанди бор**



**Полянте Свешников 129-Дўмбиробод сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Полянте Свешников меҳнат фаолиятини 1975 йилда Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Капитал қурилиш бошқармасида устачиликдан бошлади. Меҳнатсеварлиги ва ишбилармонлиги боис жамоада тезда ўз ўрнини топди. Орадан бирмунча вақт ўтиб, ушбу бирлашма йўлланмасига биноан Мирзачўлни ўзлаштириш жараёнида фаол қатнашди. Бу ишлар якунлангач, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Капитал қурилиш бошқармасида иш бошқарувчи, катта уста, цех бошлиғи ўринбосари лавозимларида фаолият олиб борди.

Шундан сўнг «Восток» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси капитал қурилиш бўлимида бош муҳандис, кейинчалик бўлим бошлиғи лавозимларида, 1992-2009 йиллар давомида эса «Альтаир» брокер конторaси ҳамда пойтахтимиздаги «ПГС» хусусий корхонаси директори лавозимларида ишлади.

— Истиқлол йилларида айнан мулк эгалари, яъни тадбиркорлар моддий ва маънавий бойликлар яратадиган, фуқаролик жамиятининг таянчи ва суянчи, бир сўз билан айтганда, иқтисодий жиҳатдан мустақил одамлар экани яққол намоён бўлди, — дейди Полянте Свешников. — Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш ва рақобатдошлигини ошириш борасидаги вазифалар замирида ҳам айнан ўрта синф учун янада кенг имкониятлар яратиш партиянинг асосий мақсадларидан биридир. Шунинг учун ҳам сайловолди дастуримда соҳага оид қонунларни янада такомиллаштириш, мулк устуворлиги ва ҳимоясини кучайтиришга ҳисса қўшиш сингари долзарб вазифаларни киритдим. Чунки турли шакллардаги мулк иқтисодиёт ривожини таъминлаб берувчи куч ва асосий ресурс, ҳар қандай иқтисодий эркинликнинг кафолати ҳисобланади.

Бугун юртимизда ҳар қандай хайрли ташаббус, эзгу иш эътибордан четда қолмайди. Айниқса, эл-юрт тараққиётига қаратилган интилишлар юксак рағбат, мукофотга муносиб кўрилади. Полянте Свешниковнинг ишлаб чиқариш соҳасидаги ютуқлари ва жамоат ишларидаги фаол иштироки давлатимиз раҳбари томонидан муносиб баҳоланиб, 2001 йилда «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

Сафдошимиз ташаббуси билан бутунлай ўзгача кўриниш касб этган «ПГС» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси ҳам қатор танлов ва кўргазмаларда ўз маҳсулотлари билан иштирок этиб келмоқда. Жумладан, «Ташуббус-1998» кўрик-танловининг республика босқичида 3-ўринни қўлга киритиб, бронза медали билан тақдирланган бўлса, 2009 йилда фахрли 1-ўринга лойиқ деб топилди.

Полянте Свешников нафақат мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси, балки жамоат ишларида ҳам ибратли ишларга қўл урмоқда. Хусусан, туманлардаги «Маҳалла» жамғармаси бўлинмалари билан доимий ҳамкорлик қилиб келяпти. Ўз вақтида жойлардаги кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва боқувчисини йўқотганлар ҳолидан мунтазам хабар олиб туриши билан кўпчиликка ўрнак бўлаётир.

## Раҳматилла КАРИМОВ

**Раҳматилла Каримов 1966 йили Зангиота туманида туғилган. Маълумоти олий. 1992 йилда Тошкент автомобиль ва йўллар институтини тамомлаган. Оилали, икки нафар фарзанди бор**

1990 йилдан 2003 йилгача Чилонзор туман транспорт воситаларига хизмат кўрсатиш бошқармасида бош муҳандис, бошқарма бошлиғи вазифаларида ишлаган. 2003 йилда ўзи асос солган «Шахстрансхизмат» масъулияти чекланган жамияти директори вазифасида фаолият кўрсатган. Ташаббускор ва жонкуярлиги туфайли шахсий автотранспорт воситаларига хизмат кўрсатишга мўлжалланган жамиятда қисқа фурсатда 200 дан ортиқ янги иш ўрни яратиб, меҳнат унумдорлигини олти баробар оширишга эришди.

Ўз соҳасининг билимдони, фаол ҳаётий позиция ҳамда интилувчанлиги туфайли Раҳматилла Каримов 2004 йилга келиб «KARMUSMAX» МЧЖни ташкил этди. Мазкур корхона фермерлар ва машина-трактор паркларини хорижнинг энг илғор техникаси билан таъминлашга ихтисослашган. Ташкилотчи ва талабчан раҳбар шаҳар аҳолисини мева ва сабзавотлар билан таъминлаш мақсадида туманда «Каримов Раҳматулло агро» фермер хўжалиги фаолиятини йўлга қўйди. Савдода аввало сифатни устун қўйишга ўрганган тадбиркор хўжалигида бугунги кунга келиб кўплаб мевали дарахтлар парваришланмоқда. Мева-сабзавот экспортини йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилган хўжаликка халқаро андозаларга мос замонавий техника ва технологиялар ўрнатилган.

Халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш борасида тинимсиз изланаётган O`zLiDeP фаоли ўтган беш йил мобайнида мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, ишбилармонларга қўшимча имтиёзлар, енгилликлар ва қулайликлар яратишнинг қонунчилик асосларини кенгайтиришни ўзининг асосий мақсади сифатида белгилаб, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда муҳим бўлган кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинишида фаол иштирок этди. Зеро, қонунчилик асослари қанчалик мукаммал, имтиёзлар доираси кенг бўлса, бозор муносабатлари шароитида улардан оқилона фойдаланиш мумкин бўлади.

— Серқуёш диёримизнинг мўътадил иқлими мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш учун жуда қулай. Қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлашни кенг йўлга қўйиш ва сифатни назоратга олиш орқали маҳаллий бозорларимиздаги четдан кириб келаётган маҳсулотлар ўрнини тўлдиришга уринаётган тадбиркорларимизни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватласак, юртимиз янада обод ва бой бўлиши шак-шубҳасиздир, — дейди Р. Каримов. — Шунингдек, аҳолини ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан доимий таъминлаш имконияти туғилади. Қолаверса, бу билан халқимиз саломатлигини сақлашга ҳам муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

Сайловчилар ишончини оқлашга интилиш, режалаштирилган ишларни амалга оширишга сидқидилдан ёндашув, ўзига юклатилган вазифаларни виждонан адо этишга ҳаракат қилиш депутатлар иш фаолиятининг асосий мезонидир. Бунинг учун улардан, энг аввало, сайланган округидаги мавжуд муаммоларни чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш ва ҳал этишнинг мақбул йўлларини излаб топиш талаб этилади.

— Кишиларни ўйлантираётган муаммоларни юракдан ҳис қилиб, уларга ечим топиш ўз-ўзидан бўлмайди, – дейди депутатликка номзод биз билан суҳбатда. – Бунинг учун масалани ҳар томонлама чуқур ўрганиш, муаммонинг илдизига етиб бориш керак. Ана шундагина олдимизга қўйган мақсадларимизга эришамиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган номзоднинг сайловолди дастури ҳам халқчиллиги, юрт равнақига йўналтирилганлиги билан эътиборга моликдир.



**Раҳматилла Каримов 132-Тўқимачи сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

## Дилором ФАЙЗИЕВА

**Дилором Файзиева 1962 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Маълумоти олий. 1985 йилда Тошкент давлат медицина институтини тамомлаган. Оилали, икки нафар фарзанди бор**

Меҳнат фаолиятини 1985 йилда Тошкент давлат медицина институтининг болалар ва ўсмирлар гигиенаси кафедрасида ассистент-ўқитувчиликдан бошлаган. 1987-2010 йилларда Санитария, гигиена ва касб касалликлари институти, Республика байналминал маданият маркази, Сув муаммолари институтида турли масъул вазифаларда фаолият кўрсатган. 2010 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Қаерда ишламасин, тиришқоқлилиги, ўз вазифасига ўта масъулиятлиги билан ажралиб турган. Унинг фазилатлари айниқса кейинги беш йилда яққол кўзга ташланди. Хусусан, Экоҳаракат депутатлик гуруҳи аъзоси сифатида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, трансчегаравий дарёларни муҳофаза қилишда халқаро ҳуқуқий нормаларни самарали қўллаш, Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасига тегишли қонун лойиҳаларини тайёрлаш, миллий қонунчиликка имплементация қилинган халқаро ҳуқуқий нормалар ҳамда ратификация қилинган халқаро шартномалар қоидалари билан белгиланган мажбуриятларнинг бажарилишини назорат-таҳлил қилишда фаол иштирок этди.

Сайловдан сайловгача бўлган даврда Тошкент шаҳри ҳокимлиги, Экоҳаракат фаоллари билан 100 дан ортиқ учрашув ўтказишга ташкилотчилик қилгани, фуқаролардан тушган мурожаатларнинг аксарияти маҳаллий бошқарув тизимлари билан биргаликда ҳал қилинганлиги бунга яққол мисол бўлади.

Дилором Файзиева парламент фаолияти давомида трансчегаравий экологик муаммоларни жаҳон ҳамжамияти муҳокамасига олиб чиқиш мақсадида қатор хорижий давлатларда хизмат сафарида бўлган. Жумладан, Жаҳон банкининг марказий офисида мазкур молия институти форумида бир неча бора сўзга чиққан. Ушбу йўналишда Франция ва Бельгияда ўтказилган турли даражадаги учрашувларда маърузалар қилган. 2012 йилда Ўзбекистон парламенти делегацияси таркибида Хитой, Бельгия, Люксембург ва Нидерландия, Канадада сафарда бўлган. Япония парламентида Ўзбекистон Республикасининг «Экологик назорат тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбатини ташкил этган. 2014 йилнинг октябрида Бельгияга ташриф буюрган ўзбекистонлик экспертлар делегацияга раҳбарлик қилган. Дилором Файзиеванинг парламентлараро алоқаларни ривожлантириш йўналишида «Ўзбекистон – Франция», «Ўзбекистон – Италия» парламентлари орасидаги дўстлик ҳамда «Ўзбекистон – Буюк Британия» парламентлари ҳамкорлиги гуруҳларининг аъзоси сифатидаги фаолияти ҳам эътиборга лойиқдир.

Депутатликка номзоднинг мамлакатимиз қонунчилигини янада ривожлантириш, хусусан, экология ва соғлиқни сақлаш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, трансчегаравий дарёлар муҳофазаси ва йирик гидроиншоотлар қурилиши муаммолари, экология соҳасидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳияти ва аҳамияти, бюджет масалалари бўйича республика оммавий ахборот воситаларида 300 дан зиёд мақоласи чоп этилган.

Ўзбекистоннинг ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олишига ҳисса қўшиш, қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш сайловолди дастурининг асосини ташкил этади.

—Депутатлик фақат қонун ижодкорлигидангина иборат эмас. Ноиблар жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга ўзини масъул деб билмоғи зарур, — дейди номзод. — Бунинг учун тадбиркорлик субъеклари сонини янада кўпайтириш, жойларда ёшлар бандлигини таъминлаш учун махсус марказлар ташкил этиш ўз самарасини беради, деб ўйлайман. Ишлаб чиқаришга чет эл инвестицияларини жалб этиш, хорижий давлатлар билан парламентлараро муносабатларни янада ривожлантиришга имкон даражасида ҳисса қўшишни ўз бурчим деб биламан.



**Дилором Файзиева 130-Бодомзор сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

## Миравзал МИРАКУЛОВ

**Миравзал Миракулов 1980 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Маълумоти олий. 2005 йилда Тошкент давлат юридик институтини тамомлаган**

Депутатликка номзод иш фаолиятини 2005 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг Давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги қонун ҳужжатлари мониторинги гуруҳида етакчи илмий ходим сифатида бошлаган. Сўнгра гуруҳ бош илмий ходими, 2009-2011 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ташкилий-назорат хизмати инспектори, 2011 йилдан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти Мудофаа ва хавфсизлик масалалари бўйича қонун ҳужжатлари мониторинги гуруҳи раҳбари, Ижро этувчи, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари ҳамкорлиги масалаларини ўрганиш бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келаётир.

Муайян ҳаётий тажриба, сиёсий дунёқараш, раҳбарлик лаёқатига эга инсон сифатида жамоада ўз ўрни ва нуфузи билан ажралиб туради. Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар моҳиятини меҳнат жамоалари ва аҳоли орасида самарали тарғиб ва ташвиқ этишда фаол иштирок этиб келмоқда.

— Бозор муносабатларининг мунтазам ривожланиб боришига эришиш, тадбиркорлик эркинлигини қўллаб-қувватлаш, хусусий мулкнинг дахлсизлигини ҳимоялаш, фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришга қаратилган барча саъй-ҳаракатларнинг ташаббускори бўлиш партиямизнинг қатъий позициясидир. Мамлакатимизнинг моддий ва маънавий бойликларини кўпайтириш ва асраб-авайлаш, фуқаролик жамиятининг таянчи ва суянчи бўла оладиган куч — ижтимоий жиҳатдан энг фаол, иқтисодий мустақил қатлам вакиллари ҳисобланадилар. Улар, шунингдек, ташкилотчилик тажрибасига эга, ўз ишининг оқибати учун жавоб берадиган, ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал этиш, жамиятда барқарорлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш учун масъулиятни ҳис этадиган кишилардир.

Айтиш жоизки, ҳозирги кунда жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси ушбу қатламга у ёки бу даражада дахлдордир. Чунки ҳар йили ўртача бир миллион атрофида яратилаётган янги иш ўринларининг асосий қисми айнан хусусий секторга, иқтисодиёт тармоқларида ишлаётган аҳолининг 75 фоизидан зиёди эса кичик бизнес улушига тўғри келди. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида хусусий секторнинг улуши 55 фоиздан зиёддир.

O`zLiDeP Сайловолди платформасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда муҳим роль ўйнаётган «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида», «Рақобат тўғрисида», «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида», “Риэлторлик фаолияти тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинликлари кафолатлари тўғрисида», «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида», «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (янги таҳрирда) ва бошқа қонунлар бевосита партиямизнинг парламент қуйи палатасидаги фракцияси фаоллиги туфайли қабул қилинганини бугунги сайловчи яхши билади. Ушбу қонунлар мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитни шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Шу боис сайловолди дастуримнинг асосий йўналиши тадбиркор ва ишбилармонлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, хизмат кўрсатиш соҳалари вакиллари, интеллектуал мулк соҳиблари фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилгандир.

Зеро, дунёнинг деярли барча ривожланган давлатлари юксалиши асосида либерал-демократия ғоялари устувор аҳамият касб этмоқда.



**Миравзал Миракулов 133-Кўкча сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

## Фарид АБДРШИН

**Фарид Абдршин 1975 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Маълумоти олий. 1996 йилда Ўзбекистон Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини тамомлаган. Оилали, икки нафар фарзанди бор**



**Фарид Анварович Абдршин 131-Астробод сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Меҳнат фаолиятини 1994 йилда «Халқ банки»да ҳуқуқшунос-маслаҳатчи сифатида бошлаган. Кейинчалик «Стройсервис» ҳамда «Gouldens Central Asia» қўшма корхоналарида юрист бўлиб ишлаган Фарид Абдршин 1996-2009 йилларда Тошкент шаҳар Адвокатлар коллегиясида адвокат, шунингдек, «Азизов ва ҳамкорлар» («Азизов и партнёры») фирмаси бошлиғи ўринбосари лавозимларида фаолият юритган.

2009 йилдан ҳозирги кунгача «Zenit Electronics» масъуляти чекланган жамияти қўшма корхонаси бош директори лавозимида ишлаб келаётган Ф.Абдршин фаолияти давомида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирларда фаол иштирок этди.

— Адвокат сифатида ишлаб юрганимда фирмамизга йирик ташкилотлардан маҳсулот ёки пулини ололмай юрган, шунингдек, бошқа бир қатор муаммоларга дуч келган кўплаб тадбиркор ва фермерлар мурожаат қиларди, — дейди номзод. — Маълумки, асосий вақтини далада ўтказадиган фермерлар, шунингдек, хорижий ҳамкорлар билан ишлаётган тадбиркорлар фаолиятида пайдо бўлган узилишлар ёмон оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Шу боис ҳам биз уларнинг мурожаатларини имкон қадар тезроқ ўрганиб, масалаларини қисқа фурсатда ҳал қилишга ҳаракат қилардик.

Таъкидлаш жоизки, Фарид Абдршин фаолият юритаётган «Zenit Electronics» корхонасида кейинги йиллар давомида олиб борилган туб ислоҳотлар натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдорини ошириш, сифатини яхшилашда ўсишга эришилди. Бундан ташқари, корхонада бир қатор янги лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди. Хусусан, 2011 йилда Жанубий Кореянинг «Samsung Electronics» компанияси билан ҳамкорлик ўрнатган қўшма корхонада аввал автоматлаштирилган кир ювиш машиналари, жорий йилдан эса LED-телевизорларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Аҳамиятлиси, маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ, 2016 йилга қадар ясси панелли телевизорлар қисмларининг тахминан 35 фоизини «Zenit Electronics» корхоналарининг ўзида тайёрлаш кўзда тутилган. 2014 йилнинг охиригача 9,9 минг дона телевизор ишлаб чиқарган корхона 2017 йилга қадар бу кўрсаткични 75 минг донага етказишни режалаштирган.

Ф.Абдршин ўз сайловолди дастурида солиқ тизимини соддалаштириш ва унинг аниқ-равшан бўлишини таъминлаш, молия-банк тизимини янада либераллаштириш, жумладан, аҳолининг тижорат банкларига бўлган ишончини ошириш, банклар қаторида бошқа молиявий институтлар – лизинг, консалтинг, маркетинг, суғурта ва бошқа тузилмаларни ривожлантириш, юқори қўшимча қийматга эга бўлган, фан-техника ютуқларига асосланган рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган юксак технологиялар билан қуролланган корхоналар улушини оширишни назарда тутадиган сиёсатни олиб боришга эътибор қаратишни белгилаб олган.

Бундан ташқари, O`zLiDeP фаоли сифатида иқтисодиётни юксалтирган ҳолда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, мамлакатимизда қулай инвестицион муҳитни шакллантириш орқали киритиладиган хусусий сармоялар ҳажмининг жадал ўсишини таъминлаш, шунингдек, иқтисодиёт тармоқларини экспортга йўналтириш, бунинг учун тадбиркорлар ва саноат корхоналари учун яратилган қулай молиявий-иқтисодий, божхона шароитларини янада яхшилаш, янги транспорт йўлакларини шакллантириш тарафдори эканини таъкидлаш жоиз.

**АЗИЗ САЙЛОВЧИЛАР!**

**УНУТМАНГ: 2014 ЙИЛ 21 ДЕКАБРЬ КУНИ СИЗНИНГ ОВОЗИНГИЗ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛАДИ.**

# O`zLiDeP НОМЗОДЛАРИ УЧУН ОВОЗ БЕРИНГ!

## Владислав ЦВЕТКОВ

**Владислав Цветков 1978 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Маълумоти олий. Тошкент давлат юридик институтини тамомлаган**



**Владислав Цветков 134-Қўйлиқ сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Меҳнат фаолиятини 1999 йилда Тошкент шаҳар Миробод туман судининг суд ижрочиси лавозимидан бошлаган. 2006-2008 йиллар оралиғида «Aleksta yure» ва «Biznes advokatlik servisi» фирмаларида адвокат, 2008-2012 йилларда Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг судьяси вазифаларида ишлаган. Ваколатидан бурчини устун қўйишга одатланганини боис касбдошлари орасида алоҳида ҳурмат қозонган.

Депутатликка номзод айни пайтда жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьясидир.

Ёш ҳуқуқшунос мамлакатимизнинг замонавий, ривожланган, ҳуқуқий-демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашида қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш зарур, деб ҳисоблайди.

Унинг сайловолди дастуридан, шунингдек, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш ҳамда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг муҳим шарти бўлган судларнинг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлаш зарурлиги ҳам алоҳида ўрин олган. Тизимни янада ривожлантириш ва самарали фаолият юритишини таъминлашда тадбиркорлик субъектларининг туман, шаҳар хўжалик судлари ёрдамидан фойдаланиш даражасини босқичма-босқич ошириб бориш, шунингдек, хўжалик судлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни кенгайтириш, суд жараёнини аудио ва видео воситаларда қайд қилиб бориш, суд қарорларини уларнинг расмий веб-сайтларида электрон шаклда эълон қилиш тартибини йўлга қўйиш каби таклифлар ўрин олган.

— Мулкдорлар, фермер ва ишбилармонларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлайдиган қонунчилик меъёрлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш борасида ҳам бир қатор таклифларим бор, — дейди В. Цветков. — Масалан, бу борада ҳакамлик судлари институтини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий низоларни тартибга солишнинг муқобил, суддан ташқари шаклларини ҳар томонлама ривожлантириш, жумладан, судгача тартибга солиш мажбурий бўлган яраштирув институтидан амалиётда кенг фойдаланишга эришишга эътиборни янада кучайтириш лозим.

Номзоднинг жиноят, маъмурий қонунчиликни либераллаштириш жараёнларини давом эттириш, иқтисодий жиноятларнинг баъзи турларини декриминаллаштириш хусусидаги бир қатор таклифлари жумладан, жамият учун хавфи катта бўлмаган ва жиддий оқибатларга олиб келмайдиган айрим иқтисодий жиноятлар бўйича жавобгарликни либераллаштириш, жиноий тақиқлар таркибидан рақобатга киришган одамни дискредитация қилиш, яъни обрўсини тўкишни бекор қилиш, бунда мазкур соҳада юзага келадиган низоларни фуқаролик ишлари бўйича судлар юрисдикциясига ҳавола этиш, ҳакамлик судлари институтини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий низоларни тартибга солишнинг бошқа муқобил шаклларини ҳар томонлама ривожлантириш, мавжудларини такомиллаштириш хусусидаги аниқ таклифлари ҳуқуқшуноснинг нафақат ўз соҳаси билимдони, балки етарли даражада ҳаётий тажрибага ҳам эга эканлигидан далолатдир.

## Кутлимурат БАБАШЕВ

**Кутлимурат Бабашев 1975 йили Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманида туғилган. Маълумоти олий. 1998 йили Тошкент давлат техника университетини тамомлаган. Оилали, уч нафар фарзанди бор**

Меҳнат фаолиятини 1992 йил фермер хўжалиги ишчиси сифатида бошлаган. 1998-2002 йилларда Тошкент давлат техника университетининг стажер-тадқиқотчиси, аспиранти, катта ўқитувчиси, 2007-2011 йилларда Механика-машинасозлик факультети декан муовини сифатида фаолият кўрсатган. Ҳозирги кунда «TOSHAFUS» қўшма корхонаси бош директори ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда.

Корхонадаги фаолияти давомида «Ласетти автомобиллари учун ёнилғи насосини ишлаб чиқариш» ва «Лифт қурилмаларини ишлаб чиқариш» лойиҳаларини амалга оширди.

2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармаси гранти совриндори сифатида Афина технология таълим институтида техника олий ўқув юртларида таълим бериш усуллари бўйича малака ошириб қайтди.

Кутлимурат Бабашев ўз сайловолди дастурида Ўзбекистон иқтисодиёти рақобатдошлигини янада оширишнинг муҳим вазифаси сифатида макроиқтисодий барқарорликни қўллаб-қувватлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш мақсадида бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштиришни устувор йўналиш сифатида белгилаб олган.

Бу мақсад учун, хусусан, қуйидаги таклифларни илгари суради:

Биринчи. Давлат бюджети мутаносиблигини таъминлаш борасида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида хўжалик субъектлари учун солиқ юкини янада камайтириш, самарасиз солиқ имтиёзларини бекор қилиш, солиқ маъмурчилиги борасидаги бошқарувни яхшилаш, молия бозори барқарорлигини таъминлашга қаратилган мўътадил қатъий пул-кредит сиёсатини амалга ошириш.

Иккинчи. Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисмини мустаҳкамлаш учун солиқ тизимини соддалаштириш ва унинг аниқ-равшан, тушунарли бўлишига эришиш.

Учинчи. Молия-банк тизимини янада либераллаштириш орқали аҳолининг бу тизимга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, уларнинг банклардаги маблағларини қулай инвестицияларга айлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш.

Тўртинчи. Саноат соҳасида иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни давом эттириш, уни диверсификация қилиш, юқори қўшимча қийматга эга бўлган фан-техника ютуқларига асосланган рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган юксак технологиялар билан қуролланган корхоналар улушини оширишни назарда тутадиган сиёсат олиб бориш.



**Кутлимурат Бабашев 1-Нукус сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Бешинчи. Қулай инвестицион муҳитни шакллантириш орқали иқтисодиётга киритиладиган хусусий инвестициялар ҳажмининг жадал ўсишини таъминлаш.

Олтинчи. Иқтисодиёт тармоқларининг экспортга йўналтирилишини кучайтириш, экспортни рағбатлантириш. Ушбу мақсадда қулай молиявий ва божхона шароитларини яратиш, янги транспорт йўлакларини шакллантириш.

Еттинчи. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги маъмурий тартиб-таомилларнинг очиқлигини таъминлаш, яширин иқтисодиётга пул маблағларининг банкдан ташқари айланишига барҳам беришга қаратилган солиқ-бюджет сиёсатини амалга ошириш.

## Элбек ШУКУРОВ

**Элбек Шукуров 1988 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Маълумоти олий. 2009 йилда Тошкент давлат аграр университетини тамомлаган. Оилали, бир нафар фарзанди бор**

Меҳнат фаолиятини 2005 йили «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими кенгаши муассислигидаги «Камалак» маркази мутахассислигидан бошлаган. 2005-2014 йиллар давомида «Камолот» ёшлар ижгимоий ҳаракати Юнусобод туман бўлими кенгаши бош мутахассиси, «Камалак» болалар ташкилоти раиси, Марказий Кенгаш аппарати ишлар бошқармасининг етакчи мутахассиси, халқаро муносабатлар, спорт ва ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўлими бош мутахассиси, халқаро алоқалар бўлими мудири сифатида фаолият кўрсатган. Айни пайтда эса «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши раисидир.

Ёшлар билан ишлашда жаҳон тажрибасини ўрганиш мақсадида Германия, Миср, Озарбайжон мамлакатларида бўлиб, ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди. Мазкур давлатларда ўтказилган ёшлар масалаларига бағишланган халқаро конференциялар ва давра суҳбатларида фаол иштирок этган.

2014 йилда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши қошида ёшлар спорт мажмуаси, иккита болалар ва ёшлар истироҳат боғи, битта болалар ижодиёти марказининг ташкил этилишига бош-қош бўлди. Айни пайтда Сергели туманида бунёд этилаётган «Камолот ёшлар боғи»нинг ташаббускори ҳам O`zLiDeP фаоли Элбек Шукуровдир.

Депутатликка номзод, шунингдек, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзоси сифатида республикамиз ёшлари ҳаётига оид долзарб масалаларни ҳал қилишда фаол иштирок этиб келмоқда.

— Сайловолди дастуримда Тадбиркор ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётини янада либераллаштириш, иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улушини янада ошириб бориш, аҳолига коммунал хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тараққий этган мамлакатлар даражасига етказиш, бунинг учун уларга имтиёзли кредитлар ажратиш масалаларини ижобий ҳал этиш орқали аҳоли яшаш шароитларини янада яхшилаш, лозим бўлса, ушбу тизимга оид қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни мақсад қилиб олганман, — дейди Элбек. — Бундан ташқари, таълим сифатини яхшилаш учун тизимда соғлом рақобат муҳитини юзага келтириш каби ижтимоий масалалар ҳам қамраб олинган. Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтишим лозимки, жамиятимиздаги тинчлик ва барқарорликдан энг кўп манфаатдор бўлган куч — ўрта синфни қўллаб-қувватлаш O`zLiDePдан сайланган депутатлар учун дастуриламал вазифа бўлиб қолаверади.

Ёшларни янгиликка ундайдиган, уларнинг билимларини оширадиган, эзгу ғояларини ривожлантирадиган, терроризм, диний экстремизм ва гиёҳвандликдан йироқ авлодни тарбиялаб, вояга етказиш каби масалалар ҳам бўлажак депутатларнинг доимий диққат-эътиборида бўлиши шарт, деб ўйлайман. Жаҳон миқёсида глобал муаммога айланиб бораётган бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олмай туриб жамиятни тараққий эттириш мумкин эмас. Зеро, соғлом авлодгина соғлом фикрлай олади.



**Элбек Шукуров 135-Шайхонтоҳур сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

## Бибисанем ТЕМИРХАНОВА

**Бибисанем Темирханова 1964 йили Нукус шаҳрида туғилган. Маълумоти олий. Оилали, бир нафар фарзанди бор**

Меҳнат фаолиятини 1981 йилда Нукус шаҳар кўкаламзорлаштириш бўйича йўллардан фойдаланиш бошқармаси ишчилигидан бошлаган. 1984-1987 йилларда Нукус шаҳар судининг котиби, 1991-1993 йилларда Нукус шаҳар 1-сонли давлат нотариал идорасининг нотариуси, 2-сонли давлат нотариал идорасининг катта нотариуси, 1993-1996 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўлими бошлиғи, 1996-1997 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳуқуқшунос-маслаҳатчиси, 1997-2003 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ишлар бошқармасининг ҳуқуқшунос-маслаҳатчиси, 2003-2012 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг судьяси сифатида фаолият кўрсатган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьяси лавозимида ишлаб келмоқда.

Оилали. бир нафар фарзанди бор. 2011 йилда «Шуҳрат» медали билан тақдирланган.

Бибисанем Темирханова ўз сайловолди дастурида муҳим вазифа сифатида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш масалаларини белгилаб олган.

Бу мақсадга эришиш учун депутатликка номзод қуйидаги таклифларни илгари суради:

Биринчи. Ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва жамиятни демократлаштириш, қонун устуворлигига эришиш, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг муҳим шарти бўлган судларнинг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлаш.

Суд тизимини янада ривожлантириш ва самарали фаолият юритишини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик субъектларининг туман, шаҳар хўжалик судлари ёрдамидан фойдаланиш даражасини босқичма-босқич ошириб бориш.

Хўжалик судлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни кенгайтириш, хўжалик ишларини кўриш жараёнини аудио ва видео воситалар билан қайд қилиб бориш, суд қарорларини уларнинг расмий веб-сайтларида электрон шаклда эълон қилиш тизимини йўлга қўйиш.

Иккинчи. Жиноят, маъмурий қонунчиликни либераллаштириш жараёнларини давом эттириш, иқтисодий жиноятларнинг баъзи турларини декриминаллаштириш мақсадида жамият учун хавфи катта бўлмаган ва жиддий оқибатларга олиб келмайдиган айрим иқтисодий жиноятлар бўйича жиноий жавобгарликни либераллаштириш. Хусусан, хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган, жумладан, муддати ўтиб кетган товарларни сақлагани ва сотгани учун жиноий жавобгарликни, агар улар истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлигига зиён етказадиган жиддий оқибатларни келтириб чиқармайдиган бўлса, декриминаллаштириш, уларнинг ўрнига ҳуқуқбузарликларни содир этгани учун маъмурий жавобгарлик белгилаш.

Жиноий тақиқлар таркибидан рақобатга киришган одамни дискредитация қилиш, яъни обрўсини тўкишни бекор қилиш, бунда мазкур соҳада юзага келадиган низоларни фуқаролик ишлари бўйича судлар юрисдикциясига ҳавола қилиш.

Учинчи. Мулкдорлар, тадбиркорлар, фермерлар ва ишбилармонларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлайдиган қонунчилик меъёрлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштиришдаги устувор вазифалар сифатида ҳакамлик судлари институтини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий низоларни тартибга солишнинг муқобил, суддан ташқари шаклларини ҳар томонлама ривожлантириш, жумладан, судгача тартибга солиш мажбурий бўлган яраштирув институтини янада такомиллаштириш.

Бибисанем Темирханова депутатликка сайланса, ўз сайловолди дастуридаги ана шу масалаларни парламент муҳокамасига киритишни беш йиллик фаолиятининг устувор йўналишлари деб билади.



**Бибисанем Темирханова 2-Тўрткўл сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

## Амина ҚАЛАНДАРОВА

**Амина Қаландарова 1966 йили Нукус шаҳрида туғилган. Маълумоти олий. 1989 йилда Тошкент давлат тиббиёт институтини тамомлаган**



**Амина Қаландарова 3-Элликқалъа сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Меҳнат фаолиятини 1989 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли республика туғруқхонаси шифокори лавозимида бошлаган. 1990 йилдан Нукус шаҳар 2-сонли поликлиникада акушер-гинеколог, 1990–1995 йилларда Нукус шаҳар туғруқхонаси акушер-гинекологи, 1995–1997 йилларда физиологик туғиш бўлими мудираси, 1997-2003 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли республика туғруқхонаси скрининг маркази раҳбари лавозимларида ишлади. 2003 йилдан Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Оролбўйи «Она ва бола скрининги» маркази директори.

Номзоднинг Сайловолди дастури кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш институтлари фаолиятини кучайтиришга бағишланган. Ўзбекистон кучли иқтисодиётга, кучли фуқаролик жамиятига, кучли демократик тизимга эга давлатга айланди. Энди бу йўналишларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш, халқаро тажрибадан фойдаланган ҳолда мукаммаллаштириш талаб этилади. Зеро давлат ҳам, жамият ҳам халқ фаровонлигига хизмат қилади.

Амина Қаландарова илгари сураётган яна бир йўналиш мамлакатда, шу жумладан, Қуйи Амударё воҳасида соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштиришни назарда тутади. Давлатимиз раҳбарининг қатор фармонлари, ҳукуматнинг оқилона ечимлари туфайли барча вилоятлар, Тошкент шаҳрида бўлганидек, Қорақалпоғистонда ҳам тиббиёт тез ривожланмоқда, янги мазмун касб этмоқда.

— Мен хусусий капитални жалб этган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасига замонавий тиббиётнинг энг сўнгги ютуқларини татбиқ этишни таклиф этаман, — дейди номзод. Бу борада аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида соғлом рақобат муҳитини шакллантиришни назардан қочирмаслик лозим. Айниқса, бизнинг ҳудудимизда вужудга келган кескин экологик вазиятни юмшатиш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, оқар сув тақчиллигига қарши курашиш учун кучли иқтисодиёт, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик, ҳунармандчилик, малакали ишчи ўринлари, бақувват корхоналар керак бўлади. Уй-жой, коммунал хўжалиги ва инфратузилмасини рақобат бозорига, хусусий капитал учун жозибали соҳага айлантириш учун норматив негиз яратишимиз шарт. Коммунал хўжалик соҳасида маҳаллий корхоналар билан кичик бизнес субъектлари ўртасида кооперацион алоқаларни ривожланлантириш ҳам янги қонунчилик базасига муҳтож. Башарти мен депутат бўлиб сайлансам, ушбу йўналишни парламент қуйи палатаси кун тартибига қўйган бўлардим.

Айни чоғда қишлоқда юксак интеллектуал билимга эга ёшларни тарбиялаш, уларга юқори савиядаги таълим асосларини, тилларни ўргатиш ҳам менинг сайловолди дастуримга киритилган. Таълим тизимидаги ислоҳотларни умумэътироф этилган халқаро таълим стандартлари ва талабларидан келиб чиқиб янада чуқурлаштириш, мактабгача, умумтаълим ва олий таълим тизимида рақобат муҳитини шакллантириш, мамлакатимиз олий ўқув юртлари дипломларининг чет элларда тан олинишига эришиш мақсадида ўқув жараёнида таълим беришнинг модулли тизимини жорий этишни жадаллаштириш, олий ўқув юртларининг (молиявий, институционал ва организацион) мустақиллигини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш ҳам сиёсий партиямиз Сайловолди платформасида, биз, партиямиздан кўрсатилган номзодларнинг дастурларимизда ҳам ёркин ифодасини топган.

**АЗИЗ САЙЛОВЧИЛАР!**

**УНУТМАНГ: 2014 ЙИЛ 21 ДЕКАБРЬ КУНИ СИЗНИНГ ОВОЗИНГИЗ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛАДИ.**




# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» 2014-yil 27-noyabr, payshanba, 47 (575)-son, www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

## Таянч нуқтаси

**Мамлакатимизнинг жанубий минтақаси — Сурхондарёда O`zLiDePнинг сиёсий мавқеи тобора мустаҳкамланмоқда. Бугунги кунда вилоят кесимида 543 та бошланғич ташкилот фаолият юритаяпти. Улар ўз атрофига 21821 нафар аъзони жипслаштирган**

**Носир ТОШЕВ,**
«XXI asr»

Одатда, ҳар бир партия сиёсат майдонига кириб келар экан, ўз ғоя ва мақсадлари билан аҳоли кенг қатламларини қамраб олиш, жамиятнинг мафкуравий ҳаётини имкон қадар ислоҳ қилишга интилади. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг ўн йиллик изланишлари юқоридаги фикримизга яққол мисолдир. Унинг сафлари тобора кенгайиб, сиёсий нуфузи ошиб бораётганлиги ҳам бежиз эмас. Партиявий бурчга онгли ёндашув салмоқли ютуқларга замин бўлмоқда.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, партия Сурхондарё вилоят кенгашининг бугунги янгиланиш ва демократик ўзгаришлар жараёнидаги фаолияти эътиборни тортади. Жойларда сўз ва иш бирлигини таъминлаш орқали белгиланган дастурий вазифаларни тўла рўёбга чиқариш, электорат манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга эришилмоқда. Бу, шубҳасиз, тинимсиз сиёсий ташкилотчилик билан чамбарчас боғлиқдир. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида вилоятда партия аъзолари сони 1325 нафарга кўпайиб, жами 21821 нафарга етди. Улар орасида оддий ишчи-хизматчилар, фермер ва тадбиркорлардан тортиб, масъул раҳбарларгача бор. Шунинг ўзи либерал-демократик ғоялар жамиятимизда тобора чуқур илдиз отаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўладиган сайлов муносабати билан жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилиб, омманинг фаоллигини ошириш чоралари кўрилмоқда. Негаки, сайлов кампаниясини одилона, қонун талаблари асосида ташкил этиш ва юқори савияда ўтказиш келажак манфаатлари учун жуда муҳимдир. Зеро, бугунги номзод эртага депутатлик мақомига эга бўлиб, эл-юрт манфаати йўлида хизмат қилиши ўз-ўзидан маълум.

Сайловга тайёргарлик билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштиришда жойлардаги қуйи бўғинларнинг ҳиссаси катта бўлаяпти. Уларни партиянинг таянч нуқтаси, десак асло хато қилмаймиз. Оммага энг яқин турувчи тузилма ҳам айнан бошланғич ташкилотлардир. Ҳозирги кунда вилоят ҳудудида 543 та БПТ фаолият олиб бормоқда. Бу ўтган йилга нисбатан 80 тага кўпдир. Электорат вакилларининг ғоявий саводхонлигини ошириш, улар ўртасида сайлов қонунчилигини кенг тарғиб қилиш, мафкуравий тадбирлар самарадорлигини таъминлашда илғор сиёсий технологияларга таяниш жуда қўл келмоқда. Фақат шу йўл билангина маънан етук, юксак эътиқодли инсонларни камол топтириш мумкинлигини тажрибадан яхши биламиз. Уларнинг сиёсий фаоллиги эса барча соҳада чуқурлашиб бораётган ислоҳотлар муваффақиятини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

O`zLiDeP вилоят кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази раҳбари Гулмира Амированинг таъкидлашича, амалдаги йилнинг тўққиз ойи давомида жойларда ташкил этилган ўқувларда 446 нафар партия фаоли иштирок этиб, ўз билим ва малакаларини оширди. Улар орасида БПТ етакчилари кўпчиликни ташкил этади. Энг муҳими, бугунги сиёсий таълим жараёни расмиятчилик ва ортиқча қоғозбозликдан холи бўлиб, асосан интерфаол усуллар, эркин фикр алмашинув, ўзаро баҳс-мунозаралар асосида олиб борилаяпти. Бу эса машғулотларнинг янада таъсирчан ва қизиқарли бўлишини таъминламоқда.

— Мамлакатимиз жамоатчилиги жиддий сиёсий имтиҳон арафасида турибди, — дейди Г.Амирова. — Жорий йилнинг 21 декабрида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўладиган сайлов ташкилий-мафкуравий жиҳатдан пухта тайёргарликни тақозо этмоқда. Бу эса биз, фаоллардан алоҳида масъулият талаб этади. Бинобарин, сиёсий ўқувлар таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш кун тартибида турган асосий вазифаларимиздан биридир. Тингловчилар



аудиторияси ҳисобга олиниб, мавзуларни ёритишда турли сайтлар, мултимедия усулларидан кенг фойдаланилмоқда. Йилнинг ўтган даври мобайнида сайловга тайёргарлик, кузатувчиларнинг конституциявий бурч ва мажбуриятлари, ахборот олиш эркинлиги, депутатликка номзодлар ва ишончли вакиллар фаолиятини самарали йўлга қўйиш масалалари юзасидан кўплаб учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилди. Айниқса, Денов, Олтинсой, Шўрчи, Жарқўрғон, Ангор, Шеробод, Термиз туманларида ўтказилган тадбирлар аҳоли ўртасида катта қизиқиш уйғотганига гувоҳ бўлдик. Сайловда иштирок этиш учун вилоятимиз бўйича 469 нафар ваколатли вакил тайинланган.

Дарҳақиқат, шундай. Кези келганда яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоиз, деб ўйлаймиз. Жойларда ўтказилган ўқув машғулотлари давомида раҳбарлик, ташкилотчилик, нотиқлик, сиёсатчилик қобилиятига эга бўлган 70 нафар киши кадрлар захирасига олинди, улардан 62 нафари маҳаллий кенгашлар депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди. Кундалик ҳаётимизда турли соҳаларга оид ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳозир ҳам йўқ эмас. Мутасаддилар фикрича, уларни партиявий воситалар орқали ҳал этиш энг мақбул йўлдир. Сурхондарёда ушбу тажриба тобора оммалашмоқда. Узоққа бормайлик. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоят депутатлик гуруҳлари томонидан мутасадди ташкилот ва идоралар раҳбарларига юборилган 86 та депутатлик сўровидан 37 таси, мансабдор шахслар ҳисоботининг 20 тасидан 15 таси, жойларда ўтказилган 4 та назорат-таҳлил текширувидан 2 таси бевосита БПТлар томонидан кўтарилган масалаларга оиддир.

Буларнинг ҳаммаси яхши, албатта. Аммо бугунги талаб-эҳтиёжлар нуқтаи назаридан ёндашилганда эришилган натижалардан тўла қаноат ҳосил қилиб бўлмайди. Ваҳоланки, эл-юрт манфаати партиявий бурчга юксак масъулият ва талабчанлик билан ёндашувни тақозо этмоқда. Зеро, сиёсат — бу мафкуравий кураш майдонидир. Эндиликда қуруқ ваъзхонлик билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Шундай экан, ён-атрофимизда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга тийрак ақл, соғлом тафаккур кўзи билан қарашга одатланайлик.

Тан олиш керакки, вилоятнинг айрим ҳудудларида турли партиявий тадбирларни хўжакўрсин учун ўтказиш оддий ҳолга айланганлиги сир эмас. Шунингдек, либерал-демократик ғояларни тарғиб ва ташвиқ қилишда бор куч ва имкониятлардан тўла фойдаланилмаяпти. Долзарб масалаларга оид амалий таклиф ва ташаббуслар кам.

Президентимиз таъкидлаганидек: “Кимки ҳаёт тараққиёти билан ҳамқадам бўлмаса, унга лоқайд ва беписанд қараса, ҳеч шубҳасиз, тез ўзгараётган тарихнинг бир четкасида, қолоқлик ва армонда қолиб кетади”. Ушбу фикрларга изоҳ ортиқча. Ишонамизки, O`zLiDeP вилоят кенгаши бошлаган хайрли ишларини давом эттириб, қуйи бўғинлар фаолиятини янада такомиллаштириш, фермер ва тадбиркорлар манфаатини ишончли ҳимоя қилиш, белгиланган дастурий вазифалар ижросини таъминлаш йўлида бутун салоҳиятини сафарбар этади. Бу эса партиямизнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш, унинг давр билан ҳамнафас ва ҳамқадам бўлишини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

### Фаоллик салоҳиятни рўёбга чиқармоқда

Пешку туманида жорий йилда бошланғич ташкилотлар сони 12 тага, партия аъзолари сафи эса 200 нафарга ортди.

Бугунги кунда туманда 1182 нафар партия аъзосини бирлаштирган 54 та БПТ фаолият юритаяпти. Улар сайлов арафасида Юртбошимиз асарлари мазмун-моҳияти, шунингдек, O`zLiDeP дастурий мақсад ва ғоялари, Сайловолди платформасида белгиланган устувор йўналишларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бунда, айниқса, Мустақиллик МФЙ ва Чиқирчи ҚФЙ ҳудудида ҳамда «Пешкутекс» қўшма корхонаси, туман Фермерлар кенгаши сингари ташкилот, корхоналарда тузилган қуйи бўғинларнинг жонкуяр етакчилари Эътибор Азизова, Гулсара Норова, Анвар Муқимов, Жалол Икромов ўрнак бўлишаяпти. Уларнинг O`zLiDeP вилоят кенгаши аёллар ва ёшлар билан ишлаш бўлимлари ҳамда «Тадбиркор аёл» уюшмаси, «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликдаги тадбирлари ўз самарасини бермоқда.

Шу ўринда «Малишояк», «Фаттоев», «Ҳайдаров» фермер хўжаликларидаги таянч тузилмалар фаоллиги хусусида ҳам тўхтаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Чунки айни шу қуйи бўғинлар етакчилари саъй-ҳаракати билан йил давомида бир қанча бўлажак тадбиркорларга тижорат банкларидан имтиёзли кредитлар ажратилишига кўмаклашилди.

— O`zLiDeP Пешку туман кенгашининг БПТлар ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия гуруҳлари билан ишлаш тажрибасининг айрим жиҳатларини оммалаштиришга ҳаракат қилаяпмиз, — дейди партия вилоят кенгаши ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири Мавжуда Рашидова.

**А.ИСТАМОВ.**

### Сайлов — демократия дегани

Партия Яшнобод туман кенгаши ҳамда «Тошкент ёғ-мой комбинати» ОАЖда фаолият юритувчи БПТ саъй-ҳаракатлари билан «Мамлакатимизда сайлов қонунчилиги такомиллашувининг улкан ижтимоий аҳамияти» мавзуида очиқ мулоқот ташкил этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Сурайё Адилходжаева, партия туман бўлими раиси, O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси Саидолим Насретдинов бошловчи тадбиркорлар, туман солиқ инспекцияси ва бошқа давлат идоралари ходимлари, ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, партия қуйи бўғинлари етакчилари ҳузурида сўзга чиқиб, Президентимиз Концепцияси асосида қабул қилинган қонунлар бўлажак сайловнинг демократик талабларга мос равишда, фуқароларнинг ҳуқуқлари тўла кафолатланган йўсинда ўтишини таъминлаши, шунингдек, бу борадаги меъёрий ҳужжатлар Марказий сайлов комиссиясининг қонунийлик, ошкоралик ва адолатлилик принципларига асосланган фаолиятини янада мустаҳкамлагани хусусида атрофлича сўз юритдилар.

Тадбирда тилга олинган корхонадаги партия таянч тузилмаси раиси Ҳасан Абдуллаев ҳам сўз олиб, Юртбошимизнинг ғоят оммалашган “Демократия ва сайлов тушунчалари доимо ёнма-ён юради, улар ўзаро бирлашиб кетган. Сайлов — демократия дегани. Демократия — бу сайлов дегани” сўзларининг мазмун-моҳияти тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирди.

### Қатъият билан ишлашга даъват

O`zLiDeP Қанликўл туман кенгаши таркибида 644 нафар партия аъзосини бирлаштирган 42 та бошланғич ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Айни кунларда қуйи бўғинларда сайловга муносиб тайёргарлик кўриш бўйича қатор тадбирлар ўтказилаётир.

Хусусан, «Қанликўл машина-трактор парки» АЖда рўйхатдан ўтган партия таянч тузилмасида уюштирилган давра суҳбатида тумандаги O`zLiDeP фаоллари ва тарафдорлари иштирок этдилар. Йиғилишда тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш, жумладан, аҳоли билан билан юзма-юз учрашувлар, ташкилот ва корхоналарда ташкил этилувчи мулоқотларга партиямизнинг обрўли вакилларини, шунингдек, профессионал нотиқларни жалб этиш зарурлиги таъкидланди. Иштирокчиларга сайлов кампаниясини муваффақиятли ўтказишга доир бошқа муҳим масалалар юзасидан ҳам тегишли йўл-йўриқлар берилди.

— Сайлов имкониятларимизни яна бир карра жиддий синовдан ўтказади, — дейди партия туман ташкилоти раиси ўринбосари Олтинай Бабажанова. — Мазкур сиёсий имтиҳон одамлар ишончини қай даражада қозона олганимизни, аҳолига нечоғли яқинлигимизни амалда намоён этиши бизни янада қатъият билан ишлашга ундаётир.

**Б.ИСРОИЛОВ.**

РЕКЛАМА

**Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳузурида ташкил этилган инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди**

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғояларини танлов асосида қабул қилади.**
**Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини (ТИА, бизнес-режа) ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.**

Танлов қуйидаги йўналишларда олиб борилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.
Танловга инвестициявий жозибадорлик ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ғоялар қабул қилинади.
Фонд энг истиқболли ва жозибадор лойиҳаларни республика тижорат банклари кредит маблағлари ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга кўмаклашади.
Танловда лойиҳа ғоялари ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.
Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:
— ариза (намуна бўйича);
— инвестиция таклифи (намуна бўйича);
— инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).
Ҳужжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.

**Батафсил маълумот учун тел:** (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.
**Web-site:** www.ffpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com
**Манзил:** Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қават. Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

**▼ АНИҚ САВОЛГА**

**— Депутатликка номзод қилиб рўйхатга олинган шахс сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди йиғилишларида сўзга чиқиш, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида қатнашиш вақтида қандай ҳуқуқдан фойдаланиши мумкин?**

— Депутатликка номзод ўртача ойлик иш ҳақи сайлов ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан сақланган ҳолда ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод бўлиш ҳуқуқига эга. Мазкур норма «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 26[1] – моддасида баён этилган.

**▲ АНИҚ ЖАВОБ**




**Биз — XXI асрда яшаяпмиз!**
**Биз — XXI асрда ишлаяпмиз!**
**Сиз — «XXI ASR»га обуна бўлдингизми?**

**Нашр индекси: 406**
**Мурожаат учун телефон: (0 371) 215-63-80**